

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
I.БОБ. КРЕДИТЛАШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	
1.1. Кредит операцияларининг иқтисодий мазмуни ва уни ташкил қилишнинг хуқуқий асослари.....	8
1.2. Тижорат банклари кредит портфели ва унинг аудитини асосий йўналишлари.....	24
II. БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	
2.1. Тижорат банкларининг кредит операциялари ҳисобини юритиш тартиби.....	35
2.2. Кредит операцияларини аудит ўтказиш тартиби.....	46
III. БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ...63	
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	74
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	

Кириш

Диссертацион тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш лозим. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолият кўрсатишига боғлиқдир.

Шубҳа йўқ, жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Авваламбор кейинги давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдеворини, молия-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмларини ўз вақтида шакллантириб ва мустаҳкамлаб олганимиз бунга кафолат ва асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади — мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топтиришдан иборатдир.

Банкларимиз фаолияти халқаро банк ҳамжамияти ва рейтинг компаниялари томонидан эътироф этилмоқда. Шунингдек, тижорат банклари фаолиятига реал баҳо, акциядорлар ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ, ишончли маълумотларга эга бўлишларида аудит текширувлари муҳим аҳамиятга эга.

2012 йилда республика банк тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар” Дастури ҳамда республика молия-банк тизимини

ривожлантиришга оид бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан: банк назорати тизимини янада такомиллаштириш, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш билан боғлиқ тадбирларни давом эттириш; мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр, андоза ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиётини кенгайтириш; тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали янада ошириш; тижорат банклари активларини, шу жумладан, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини ошириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш; халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.¹

“Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом ва “Тижорат банкларининг молиявий ҳолати ва барқарорлигини баҳолаш ҳамда уларнинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби” қабул қилинди. Ҳар бир банкда бевосита банк Кенгашига бўйсунувчи Таваккалчиликларни назорат қилиш Қўмиталари ташкил этилди. “Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш учун халқаро молия институтларидан техник ёрдам ва экспертларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар”

¹ Каримов И.А. 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

мажмуасига мувофиқ, республика банкларида бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мувофиқлаштиришнинг 3-босқичини амалга ошириш борасида Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Жаҳон банки томонидан кўрсатилаётган техник ёрдам доирасида, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Базель-2 ва Базель-3 тавсияларини мамлакатимиз банк тизимида жорий қилиш лойиҳаси бўйича халқаро ҳамкорлик янада кучайтирилиб, 2012 йилнинг июль ойида тегишли лойиҳа амалга оширилиши бошланди. Халқаро валюта фондининг етакчи таҳлилчилари иштирокида Марказий банк ва тижорат банклари ходимлари учун “Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини аниқлаш учун стресс-тест ўтказиш” ҳамда Германиянинг Дойче Бундесбанки томонидан “Банк назоратини такомиллаштириш” мавзуларида семинарлар ташкил этилди. Шунингдек, 12 июнда “Мудис” агентлигининг “Ўзбекистон банк соҳасини баҳолаш бўйича фаолияти” мавзуида, 19 июнда “Фитч Рейтингс” агентлиги билан “Ўзбекистон банклари: ташқи нобарқарор шароитда ривожланиш” мавзуида ва 25 июлда “Стандарт энд Пурс” рейтинг агентлигининг кредит рейтинги ҳамда унинг Ўзбекистон банклари томонидан қўлланилиши” мавзуида амалий конференциялар ўтказилди.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг мураккаб жараёни кечмоқда. Бу эса, барқарор ишлайдиган тижорат банклар тизимини тақозо қилади. Тижорат банкларининг барқарорлиги муаммоси алоҳида олинган банк доирасидан чиқиб, давлат миқёсидаги вазифага айланиб бормоқда. Ўзбекистонда тижорат банклари молиявий ҳолатини таҳлил ва аудит қилишнинг ўзига хос тизими ташкил қилинган. Тижорат банклари Марказий банкка ҳар ой фаолиятининг кўп соҳаларини ўз ичига олган маълумотлар, баланс ҳисоботи, иқтисодий нормативлар ҳисоб-китоби, фойда ва зарарлар ҳисоботларини тақдим этадилар.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида банк тизими ва унинг муҳим бўғини бўлмиш тижорат банклари олдида бозор конъюнктураси ўзгариши талабларига мослашган ҳолда, банклараро рақобат курашида рақобатбардош бўлиш ҳамда улар фаолиятини янада ривожлантириш янги вазифаларини қўймоқда. Мазкур вазифаларни амалга ошириш тижорат банклари молиявий натижаларини таҳлил қилиш, уларда бухгалтерия ҳисобини тўғри ва халқаро стандартлар асосида амалга ошириш, берилаётган кредитлар мониторингини ҳамда аудитини тўғри олиб бориш, улар даромадлари барқарор ўсишини таъминлашни ва умуман банк молияси мохирона бошқаришни талаб этади. Бу эса, банкларда банк аудитини тўғри бошқаришни талаб этади. Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак мавзу ниҳоятда долзарбдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда тижорат банклари кредит операциялари ҳисоби, аудити ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари хорижлик назариячилар Диана Мак Нотон, Д. Полфреман, С. Питер Роуз, Т. Коуленд, Е.Фейм, Ф. Форд, Д. Ходжемен ва бошқалар ўзларининг ишларида кўриб чиққанлар.

Республикамизда банкларнинг кредит операциялари ҳисоби, аудити ва самарадорлик кўрсаткичлари ривожланишини ўрганишда МДХнинг етук иқтисодчи олимларидан Жуков Е.Ф., Красавина А.Н., Колесников В.И., Лаврушин О.И., Лapidуса М.Х., Мамонова И.Д., Панова Г.С., Севрук В.Т., Соколинская Н.Э, Усоскин В.М., Уткин Э.А., Черкасов В.Е., Ширинская З.Г. ва бошқаларнинг ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу масалада, ўзбек иқтисодчи олимлари ва амалиётчиларидан Ш.З. Абдуллаева, А.А.Ризақулов, С.А. Бержанов, М.Ш.Шарифхўжаев, А.О. Камолов, Т.М. Қоралиев, М.К.Эрматов, А.Қ. Қодиров, С.Х.Норқобилов, Т.И.Бобоқулов, А.А.Омонов, Б.Бобоев, Б.Т.Бердияров, И.А.Муругова, К.Н.Наврўзова ва бошқалар Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида банк кредит операциялари, кредит операциялари ҳисоби, уларнинг аудитига оид фикр мулоҳазалари

диссертация мавзусига оид изланишларнинг олиб борилишида ўз ҳиссасини қўшди.

Мамлакатимиз иқтисодий матбуотида тижорат банклари фаолиятининг у ёки бу соҳаларини ўрганишга оид мақолалари, чиқишлари кўп учрайди. Бу, албатта, ижобий ҳол. Лекин, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, тижорат банклари кредит операциялари ҳисоби ва аудити бўйича муаммолар мустақил тадқиқ предмети сифатида ўрганилмаган.

Шу нуқтаи назардан илмий тадқиқот ишининг мақсади сифатида республикада кредит операцияларини ҳисоби ва аудитини ривожланиши, у билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилиш юзасидан илмий-назарий ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб диссертацион тадқиқотда қуйидаги **вазифалар** қўйилган.

- Ўзбекистон Республикасида кредит операциялари ҳисоби ва аудитини шаклланиши;
- тижорат банклари кредит операцияларини аудит қилиш усуллари ва унинг турлари;
- тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг халқаро стандартлар асосида олиб боришни ташкил қилиш амалий ўрганиш;
- тижорат банкларининг актив ва унда кредит операцияларининг аудити ҳамда унинг муаммолари;
- республикада банк аудитини муаммолари ва уни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилиш.

Диссертацион ишида тадқиқ объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг айрим тижорат банклари ҳисобланади.

Диссертация ишининг предмети республикада банкларнинг кредит операциялари ҳисобини юритилиши ва кредит операцияларини аудит қилиш ҳамда уни такомиллаштиришни ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асослари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти академик, И.А.Каримов асарларида илгари сурилган иқтисодий ислох қилиш ва эркинлаштириш бўйича назарий қарашлар ва Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, классик ҳозирги хорижлик ва Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимларнинг ушбу соҳага оид илмий услубий ёндошувлари, амалий тажриба ва хулосалари ҳисобланади.

Ишнинг илмий янгилиги янада аниқроқ тарзда қуйидагиларда намоён бўлади:

- Республикамизда тижорат банклари аудитини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- тижорат банклари кредит фаолияти аудитини амалга ошириш борасида мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиқ берилиб, уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди;
- тижорат банклари кредит операциялари ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни ечимлари аниқланди;
- тижорат банклари актив операциялари аудити назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилди;
- тижорат банкларининг муаммоли кредитларини мониторингини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;
- тижорат банклари кредит сиёсати аудитини таҳлил қилинди.

Диссертацион тадқиқотнинг асосий ғоялари тижорат банклари кредит операциялари ҳисоби ва аудити юзасидан, Ҳукумат Дастурларини ишлаб чиқишда, Марказий банк йўриқномалари ва давлатнинг қонуний ҳужжатларини ишлаб чиқишда эътиборга олиниши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг таркиби. Диссертация иши — кириш қисми, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I.БОБ. КРЕДИТЛАШ ЖАРАЁНИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Кредит операцияларининг иқтисодий мазмуни ва уни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари.

Бизга маълумки, пул маблағларига кўп ҳолларда кредитларни, корхоналарнинг ҳисоб варақасидаги маблағларни ва нақд пулларни, оборот маблағларини ва молиявий ресурсларни киритадилар. Бу иқтисодий категориялар ташқи томондан ўхшагани билан, уларни ички хусусиятлари жуда хилма-хил ва бир-бирига ўхшамайди.

Кредит - бу вақтинча бўш турган пул маблағларини пул эгаси ёки бошқалар томонидан маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Кредит ёрдамида товар-моддий бойликлари, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истеъмолчилар маблағлари етарли бўлмаган шароитда тўловни кечиктириб товарлар сотиб олишлари ва бошқа ҳар хил тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Кредит иқтисодий категория бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг аниқ бир кўриниши сифатида юзага чиқади. Кредит ҳар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсули, қийматнинг ҳаракати, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи категориядир.

Кредитнинг моҳияти унинг ички белгиларини очиб беришга қаратилган. Кредитнинг моҳиятини очиш - бу унинг сифатларини , кредитнинг муҳим томонларини, уни иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида кўрсатувчи асосларини билиш демакдир.

Иқтисодий категория сифатида кредитнинг моҳияти кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилиб чиқилган ва улар томонидан кредитнинг моҳияти бўйича турлича фикр билдирилган. Масалан, Э.

Вознесенский, А. Зверев, Д. Аллахвердян каби олимларнинг фикрича, кредит махсус категория ҳисоблансада у молия таркибига киради, деб ҳисоблашади.

В. Захаров, О. Лаврушин, М. Пессель, И. Левчук, В. Рыбин, А. Қодиров, Т. Қоралиев каби олимлар эса кредитни молия билан параллел равишда фаолият кўрсатувчи алоҳида мустақил иқтисодий категория деб ҳисоблайдилар. Кредитни мустақил категория сифатида моҳиятини аниқлаш мураккаб саволлардан биридир. Кредитга қарзга бериладиган қийматнинг ҳаракати сифатида қараш мумкин. Захаров В. «Кредит вақтинчалик фойдаланишга бериладиган қиймат бўйича бўладиган ижтимоий муносабатдир» деб хулоса қилган бўлса, Қодиров А., Пессель М. Кредит иқтисодий категория бўлиб, унда ишлаб чиқариш муносабатлари ўз аксини топади ва давлат, хўжалик ташкилотлари, корхоналар, муассасалар бир-бирига қийматни маълум вақтга, қайтариб беришлик ва тўловлилик шарти билан берадилар деб уқтирадилар. Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда кредитнинг баъзи муҳим томонлари аниқланади: биринчидан, унинг ижтимоий маҳсулот яратиш, миллий даромад ва пул ресурсларини қайта тақсимлашга боғлиқлиги; иккинчидан, кредитнинг ҳаракат шаклига (товар ёки пул тарзида) эга эканлиги; учинчидан, такрор ишлаб чиқаришдаги ҳаракатнинг асосий ҳал этувчи белгиси (қарз) эканлиги ва ҳ. к.

Берилган кредит қайтариб беришлилик характериға эға. У худди шу сифати билан молиядан фарқ қилади. Ссуда капитали манбаларининг таҳлили кредитнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳиятини аниқлашға асос бўлиб хизмат қилди.

Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрича, кредит жамиятдаги вақтинча бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни тақсимлаш шаклидир. Бу нуқтаи назардан, кредит вақтинча бўш пул маблағларини қарзға бериш бўлиб, муайян белгиланган муддатдан сўнг бу маблағлар ўз манбасига қайтиб келиши керак.

Кредитнинг моҳиятини янада аниқлаштириш учун унинг таркибини, ҳаракат босқичларини, иқтисодий категория сифатидаги муҳим белгиларини


ва ижтимоий - иқтисодий характеристикасини кўриб чиқамиз. Кредитнинг моҳиятини тушуниш учун аввалом бор, унинг таркиби нимадан иборат эканлигини тушуниб олиш зарур. Кредит муносабат бўлиши учун унинг зарур элементлари - кредитнинг объекти ва субъекти бўлиши зарур.

Кредит муносабатларида субъектлар икки хил бўлади:

1.Кредитор (қарз берувчи)

2.Қарз олувчи

Бундан ташқари кредит муносабатлари таркибининг элементи сифатида кредитнинг объекти юзага келади.



1-расм. Кредит муносабатларининг объектлари ва субъектлари.²

Кредит объекти - бу (кредитор) қарз берувчидан қарз олувчига бериладиган ва қарз олувчидан кредитор (қарз берувчи)га қайтиб бериладиган қийматдир. Бунда қарзга берилган маблағ ўз қийматини сақлаб қолишлилиги кредитнинг асосий сифати ҳисобланади. Кредит таркиби унинг элементлари бирлигини ифодалайди.

Кредитнинг ҳаракат боскичлари ҳам уни муҳим белгиси ҳисобланади. Қарзга берилувчи қиймат ҳаракатини қуйидаги схемада ифодалаш мумкин:

$$B_k - O_{kz} - I_k \dots V_p \dots K_k - \Phi_{kc}$$

² Пул, кредит ва банклар. Дарслик Ш.З.Абдуллаева. Тошкент 2006 йил.

B_k - кредитнинг берилиши

$O_{kз}$ - кредитни қарз олувчи томонидан унинг вақтинчалик эҳтиёжларини қондириш учун олиниши

I_k - кредитни ишлатилиши қарз олувчининг кредитни нима мақсадда олганлиги билан узвий боғлиқ бўлади.

B_p - қарз олувчининг хўжалигида қарзга олинган қийматни айланма обороти тугалланишини ресурсларнинг оборотдан чиқарилиши ифодалайди.

K_k - кредитни қайтариш

Φ_{kc} - вақтинчалик берилган қийматни кредитор қўлига қайтиб келиши (% билан)

Кредитнинг моҳиятини унинг асоси маълум вақтдан кейин қайтариб берувчанлик шарти ва фоиз билан қайтариши шарти янада кенгроқ очиб беради. Бу ҳар иккала шартдан ташқари кредитнинг иқтисодий категория сифатида ҳаракат қилишини асослаш учун иқтисодий муносабатларнинг чуқур ижтимоий - иқтисодий белгиларини ҳисобга олиш зарур.

Кредит моҳиятининг таҳлили узлуксиз жараён. Бунда таҳлил жараёнида янгидан янги белгилар, хусусиятлар юзага чиқиши мумкин.

Ҳар қандай иқтисодий категория ўзининг функцияларига эга бўлгани каби кредит ҳам ўзининг бир қатор функцияларига эга. Ижтимоий иқтисодий тизимда кредитнинг ўрни ва роли у бажараётган функциялари билан аниқланади. Кредитнинг функцияси - бу кредитнинг иқтисодиётда фаолиятининг конкрет равишда намоён бўлишидир.

Кредитни таҳлил қилишда, функция, унинг моҳияти ва роли ўртасидаги оралиқ звено сифатида кўриб чиқилади.

Кредитнинг функциялари ҳақида олимлар ўртасида ягона изчиллик йўқ. И. Лаврушиннинг фикрича, кредитнинг функцияларини таҳлил қилишда иккита ечилмаган муаммо мавжуд: функцияни тушунишнинг услубий асослари; функцияларнинг таркиби ва структураси.

Кредитнинг таркибий қисмидан келиб чиққан ҳолда унга қуйидаги муносабатларга хос функциялар таалукли: кредиторнинг қарз олувчи ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали; қарз олувчининг кредитор ва қарзга берилувчи қиймат билан муносабати орқали; қарзга берилувчи қиймат билан кредитор ва қарз олувчининг муносабати орқали.

Кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабат шундай аниқланадики, бунда кредитор қарз олувчига ресурсларни таклиф қилади, қарз олувчи бу ресурсларни ишлатади ва бунда қарзга берилувчи қиймат кредитор ва қарз олувчи ўртасида айланади. Бу ердан кредитнинг биринчи функцияси келиб чиқади:

1. Қарзга берилувчи қийматни вақтинча фойдаланишга бериш функцияси, кредит ва пул маблағлари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, кредитнинг ҳақиқий пулларни кредит пуллари билан алмаштириш функция олдинга сурилган. Лекин бу функция ҳозирги кунда иқтисодий муносабатлар «сахнасидан» чиқиб кетган. Кредитнинг ташқи муҳит билан алоқаси унинг иккинчи функциясини келтириб чиқаради.

2. Қайта тақсимлаш функцияси, кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча фазаларига - ишлаб чиқариш, тақсимлаш, муомала ва истеъмолга хизмат кўрсатади. Такрор ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда кредит, ишлаб чиқариш, тақсимлаш ёки истеъмол жараёнида кечадиган функциялардан фарқли ўлароқ қайта тақсимлаш функциясини бажаради. Бозор иқтисодиёти шароитида ссуда капитали бозори вақтинча бўш молиявий ресурсларни бир фаолият жабҳасидан бошқасига йўналтирувчи ва натижада юқори фойдани таъминловчи ўзига хос дастағ сифатида намоён бўлади.

Қайта тақсимлаш функцияси ёрдамида корхоналар, ташкилотлар, давлат ва шахсий секторнинг бўш пул маблағлари ва даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга, муайён тўлов асосида берилади. Бу функция ёрдамида ишлаб чиқаришдаги пропорциялар ва пул капитали ҳаракати бошқарилиб турилади.

Ўзининг турли тармоқлар ва минтақаларда табақаланиш даражасига таяниб, кредит иқтисоднинг стихияли макробоштарувчиси сифатида намоён бўлади. Баъзи ҳолларда бу функциянинг амалга оширилиши бозор тизимида номутанносибликнинг чуқурлашувига олиб кеклиши мумкин. Худди шундай ҳолат МХД давлатларида бозор иқтисодига ўтиш босқичида намоён бўлмоқда. Шунинг учун кредит тизимини давлат томонидан бошқаришнинг муҳим вазифаларидан бири бу иқтисодий устунликни оқилона тавсифлаш ва кредит ресурсларини у ёки бу тармоққа жалб қилишни рағбатлантиришдан иборатдир.

3. Муомала харажатларини тежаш функцияси, кредит вужудга келиш давридан бошлаб ҳақиқий пулларни (олтин, кумуш) кредит пуллари - векселлар, банкноталар, чеклар билан алмашилишини таъминлаб келган. Лекин, олтиннинг монетар роли йўқолиши туфайли кредит бу функцияси ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириб, ҳисоб-китобларни тезлигини ва кам харажатлилигини таъминламоқда. Капиталнинг муомалада бўлиш вақтининг иқтисод қилиниши унинг ишлаб чиқаришда бўлиш вақтини оширади ва бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, фойданинг ортишига олиб келади.

Бу функциянинг амалга ошиши кредитнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади. Унинг манбаи саноат ва савдо капиталининг доиравий айланиши жараёнида вақтинча бўшаган молиявий маблағлар ҳисобланади. Хўжалик субъектлари пул маблағларининг келиб тушиши ва ишлатилиши ўртасидаги вақт бўйича фарқ фақатгина ортиқча маблағлар ҳажмини эмас, балки молиявий маблағларнинг етишмовчилигини ҳам аниқлаб беради. Шунинг учун корхона ва ташкилотларнинг ўз айланма маблағларининг вақтинчалик етишмовчилигини тўлдириш учун ссудалар бериш кенг тарқалиб борган.

4. Капитал тўпланишининг жадаллашуви ва концентрациялашуви функцияси. Капитал тўпланиши жараёни иқтисодий ривожланишнинг барқарорлашуви ва хўжалик юритувчи ҳар бир субъектнинг мақсадга

эришишининг муҳим шарти ҳисобланади. Бу масалани ҳал қилишга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, шунинг билан бирга кўшимча фойда олишга қарз маблағларидан фойдаланиш ёрдам беради. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, иқтисодий инқироз даврида бу ресурсларнинг қимматлилиги кўпчилик хўжалик фаолияти жабҳаларида капитал тўпланишини жадаллаштириш масаласини ҳал қилишда тўсқинлик қилади. Шунга қарамадан, кўриб-чиқиладиган функция ҳозирги шароитда режали иқтисодиёт даврида ривожланмаган ва маблағлар билан таъминланмаган фаолият жабҳаларини молиявий маблағлар билан таъминланиш жараёнини сезиларли тезлаштиради.

5. Муомалага тўлов воситаларини чиқариш функцияси. Бу функциянинг амалга ошиш жараёнида кредит фақатгина товар эмас, балки пул муомаласининг жадаллашувига, ундан нақд пулларни сиқиб чиқариб, тўловлар айланишининг тезлашувига ижобий таъсир кўрсатади. Кредит туфайли пул муомаласи доирасига вексель, чек, кредит карточкалари каби воситаларни киритилиб, нақд пулли ҳисоб-китобларни нақдсиз операциялар билан алмаштиради. Бу эса ички ва халқаро бозордаги иқтисодий муносабатлар механизмини осонлаштиради ва тезлаштиради. Бу масалани ҳал этишда тижорат кредити замонавий товар алмашилишининг керакли элементи сифатида муҳим ўрин тутаяди.

Фан техника тараққиётининг жадаллашуви ҳам кредит орқали самаралироқ амалга оширилиши мумкин. Урушдан кейинги йилларда фан-техника тараққиёти ҳар бир мамлакат ёки алоҳида хўжалик юритувчи субъект иқтисодий ривожининг ҳал қилувчи омилига айланган. Кредитнинг фан техника тараққиётини жадаллаштиришдаги ролини фан-техника ташкилотларининг фаолиятини молиялаштириш жараёни орқали кузатиш мумкин. Илмий тадқиқот ишларини олиб боровчи марказларнинг нормал ишлаб туришини таъминлаш учун ҳам, улар фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ишлатилиши мумкин. Шунингдек, кредит инновацион жараёнларда ишлаб чиқаришга илмий тадқиқот натижаларини жорий қилиш

ва ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш жараёнларини амалга ошириш учун зарур.

Албатта, корхоналарнинг маблағлари етарли бўлган ҳолда бу турдаги харажатлар дастлаб корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, шунингдек, ўз маблағлари етарли бўлмаган шароитда банкнинг мақсадли ўрта ва узоқ муддатли ссудалари ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Кредитни ишлатиш самарадорлиги уни позитив равишда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига таъсири билан аниқланади.

Кўриб ўтганимиздек, кредит хўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш ва сотув, тўлов жараёнидаги маблағлар етишмовчилигини қоплаш учун олинади. Агар корхона ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш учун кредит маблағлардан фойдаланадиган бўлса, шу кредит фондлар айланишининг барча босқичларини босиб ўтади ва миқдорий жиҳатда ўсган ҳолда айланишдан чиқарилади ва қарз берувчига қайтарилади.

Кредит ресурсларидан корхона қуйидаги ҳолларда фойдаланиши мумкин: корхона кредитни харажатларнинг бирон турини амалга ошириш учун, масалан, хом ашё, материаллар сотиб олиш, тугалланмаган ишлаб чиқариш учун ёки жўнатилган товарлар учун олиши мумкин; корхона айланма фондларнинг доиравий айланишининг барча босқичларига кредитни жалб қилиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш захиралари сотиб олишга, тугалланмаган ишлаб чиқаришга, тайёр маҳсулотга, жўнатилган товарларга ва бошқа харажатлар учун; корхонани комплекс кредитлаштириш зарур бўлганда амалга оширилади.

Кредитга бўлган талаб қайси усулда ва муддатда, ким томондан кондирилишига ва қарз олувчиларга таклиф қилинишига қараб, кредит бир неча тур ва шаклларга бўлинади.

Узоқ даврлардан буён кредитнинг қуйидаги турлари қўлланилиб келинмоқда.

1. Қисқа муддатли кредитлаш;
2. Узоқ муддатли кредитлаш.

Қисқа муддатли кредитлашда кредитлар бир неча ойлардан бир йилгача бўлган муддатга берилади. Бу турдаги кредитлар ишлаб чиқариш айланма фондлари ва муомала фондларининг доиравий айланишининг узлуксизлигини таъминлайди. Бизга маълумки, айланма фондларнинг доиравий айланиши деярли барча ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларида бир йил ва ундан камроқ вақт давом қилади. Бир йил фондлар айланишининг табиий ўлчови сифатида хизмат тилади. Шунинг учун ҳам бир йил қисқа ва узоқ муддатли кредитлашнинг чегараси бўлиб хизмат қилади.

Узоқ муддатли кредитлашда, кредитлар бир йилдан ортиқ муддатга берилади. Узоқ муддатли кредитлар асосан асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва улар билан боғлиқ соҳаларни таъминлашга ишлатилади. Ҳозирги даврда узоқ муддатли кредитлар банклар томонидан жуда кам миқдорда берилсада, улар капитал қўйилмаларини, лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи сифатида давлатимиз иқтисодини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Узоқ муддатли кредитлар хўжалик ташкилотлари томонидан қуйидаги объектлар учун жалб қилиниши мумкин:

- қайта тиклашга капитал харажатларни амалга ошириш учун;
- ҳаракатдаги асосий фондларни кенгайтириш ва модернизация қилиш билан боғлиқ харажатлар учун;
- янги қурилиш ва қўшимча юқори самарали тадбирлар бўйича харажатларни амалга ошириш учун;
- янги фан, илмий техника соҳасида тадқиқодлар олиб бориш ва ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун ва бошқалар.

Кредит муносабатларининг субъектлари ва объектига, фоиз ставкасига ва кредитнинг ҳаракат доирасига қараб, кредитнинг қуйидаги мустақил шакллари амалиётда қўлланилиши мумкин. Булар банк кредити, тижорат

кредити, истъемол кредити, давлат кредити, халқаро кредит. Амалиётда кредитнинг ҳар бир шакли ҳам бир неча бўлакларга бўлиниши мумкин.

Қарздор томонидан бир мартада тўлиқ суммада тўланадиган кредитлар. Бу усул қисқа муддатли кредитларни қайтаришнинг анъанавий усули ҳисобланиб, ҳукуқий жиҳатдан расмийлаштирилиши жуда содда механизмга эга бўлади, чунки бу усулда табақалаштирилган фоиз ставкасини ҳисоблаш механизмини қўллаш талаб қилинмайди.

Кредитни тўлашда кредит шартномасида кўрсатилган муддат давомида бўлиб бўлиб тўланадиган кредитлар бўлиши мумкин. Қарзни тўлашнинг бу усулида кредитни қайтаришнинг аниқ шартлари кредит шартномада келтирилган бўлади. Кредитни бўлиб бўлиб тўлаш усули кўпинча узоқ муддатли кредитларни тўлашда ишлатилади.

Амалиётда олинган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини тўлашнинг бир неча хил усуллари мавжуд:

- Кредитни тўлаш муддати келганда фоиз ставкасини ҳам қўшиб тўлаш усули. Бу усул бозор иқтисоди яхши тараққий қилган мамлакатларнинг хўжалик ташкилотлари фаолиятида кенг қўлланиладиган анъанавий усул бўлиб, у ҳисоб-китоб характери жиҳатидан оддий бўлади. Бу усул кўпроқ қисқа муддатли ссудаларни тўлашда қўлланилади.

- Кредит шартномасида кўрсатилган муддат давомида бир текисда қарз олувчи томонидан тўланадиган кредит бўйича фоизни ундириб олиш усули. Амалиётда бу усул узоқ муддатли кредитларни тўлашда қўлланиладиган анъанавий усулдир ва томонлар келишган ҳолда кредит бўйича фоизларни тўлашга ҳар хил ёндашишлари мумкин. Масалан, кредит узоқ муддатга берилган бўлса, кредит бўйича фоиз ставкасини тўлашни кредитдан фойдаланиб бошлаганидан бир ёки икки йил ўтгандан кейин белгилаб бериш мумкин.

- Қарз олувчига кредит берилаётган вақтда кредит учун тўланадиган фоиз бевосита банк томонидан ушлаб қолинадиган кредитлар. Кредит учун фоиз ставкасини бу усулда тўлаш ривожланган бозор иқтисодиёти

шароитига мос келмайди ва у учун характерли эмас. Бу усул фақат судхўрлик капиталида ишлатилади. Мамлакатда иқтисодий ҳолат нобарқарор бўлганида банклар қисқа муддатли кредитлашни ва кредитлар бўйича фоизлар тўлашни шу усулда олиб борганлари улар учун қулай ҳисобланади ва амалиётда шу усулдан кенг фойдаланадилар.

Ишончли кредитлар ва уларнинг қайтарилишини таъминловчи бирдан-бир гаров шакли бевосита кредит шартномаси ҳисобланади. Кредит шартномаси шартларининг бажарилишини кредит таъминланганлигининг шarti сифатида қабул қилиш, хорижий банклар томонидан чекланган ҳажмда, ишончга сазовор бўлган доимий мижозларни қисқа муддатли кредитлаш жараёнида қўлланилади. Узоқ муддатли кредитлашда ҳам берилган кредитларни суғурта қилиш шarti билан истисно тариқасида қўлланилиши мумкин. Одатда суғурта қилиш, қарз олувчи ҳисобидан амалга оширилади. Бизнинг амалиётимизда бу баъзи ҳолларда тижорат банклари томонидан ўз шўъбаларини ва муассасаларини кредитлашда қўлланилиши мумкин.

Яхши таъминланган кредитлар. Бундай кредитлар замонавий банк кредитининг асосий тури сифатида таъминланган ссудалар ҳисобланади. Таъминланганлик сифатида қарз олувчининг ҳар хил шаклдаги мулки, кўпроқ - қўчмас мулки ва унинг ихтиёридаги қимматли қоғозлар, бошқа мулк шакллари бўлиши мумкин. Қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолларда таъминланганлик асоси бўлган мулк банк ихтиёрига ўтади ва банк уни сотиб етказилган зарарларни қоплаш ҳуқуқига эга бўлади. Банк томонидан берилаётган кредит миқдори таклиф этилаётган таъминланганликнинг ўртача бозор нархидан паст бўлади ва мулк баҳоси томонларнинг келишуви натижасида аниқланади.

Кредитнинг таъминланганлиги учун қабул қилинадиган мулк тез сотиладиган, олдин бирор мажбурият бўйича гаровга қўйилмаган, корхонага тегишли бўлган мулк бўлиши керак.

Учинчи шахснинг молиявий кафолати ёки кафиллиги билан бериладиган ссудалар. Кредит бошқа бир ташкилотнинг кафолати асосида берилади. Кафолат берувчи корхона ёки муассаса, агар қарз олувчи кредит шартномасида кўрсатилган шартларни вақтида бажармаса, шу туфайли банк кўрган зарарларни қоплашга кафиллик беради ва фаолият давомида ҳақитатда шундай аҳвол рўй берса ўз маблағлари ҳисобидан зарарни қоплаб беради. Молиявий кафиллик берувчи томон сифатида юридик шахслар, шунингдек турли даражадаги давлат ҳокимияти органлари иштирок қилишлари мумкин.

Жаҳон амалиётида умумий бирор эҳтиёжни қоплаш учун ишлатиладиган кредитлар мавжуд. Бунда банк томонидан бериладиган кредитлар қарз олувчининг молиявий ресурсларга бўлган турли эҳтиёжларини қондириш учун ўз ихтиёри бўйича ишлатилади. Ҳозирги шароитда улар қисқа муддатли кредитлаш соҳасида чекланган тарзда қўлланилади, ўрта ва узоқ муддатли кредитлашда умуман қўлланилмайди. Бизнинг амалиётимизда банклар томонидан бирор мақсадни амалга ошириш учунгина кредитлар берилади.

Кредитнинг қайси мақсад учун берилаётганлиги кредит шартномасида кўрсатилади ва банк томонидан берилган ресурслар қарз олувчи томонидан фақатгина шартномада кўрсатилган масалани ҳал этиш учун ишлатилади.

Республикамиз тижорат банклари кредитлаш фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган банк фаолиятига тегишли қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар тўплами ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлар жамияти ва улар ҳуқуқини ҳимоя қилиш

тўғрисида”, “Банк сири”, “Аҳоли омонатларини кафолатлаш фонди тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40 - моддасига кўра, тижорат банклари юридик шахс бўлиб, уларнинг асосий мақсади фойда олишдир. Фақат етарли миқдорда фойда оладиган банкгина ўз акциядорларига дивиденд тўлашга, сармояни кўпайтиришга, фаолият кўламини кенгайтиришга, мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтиришга, филиаллар тармоғини кенгайтириш билан бирга бозорда ўз мавқеини кўтариш имкониятига эга бўлади.

Банклар аҳолидан омонатларни жалб қилиб, ўзи таваккал қилиб рискни ўз бўйнига олган ҳолда жалб қилинган маблағларни кредит ва инвестиция амалиётларига йўналтиради. Фуқаролик кодексининг 765 ва 785 моддаларига ҳамда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг 39 - моддасига асосан банклар жалб қилинган омонат ва бошқа маблағларнинг тўлалигича сақланишини ва ўз вақтида тўланишини таъминлашлари шарт.

Кредитлаш жараёни Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига ва тижорат банкларини кредит сиёсатиға мувофиқ қуйидаги таъминлар асосида амалға оширилади: қайтарилиши; фоизлиги; муддатлилиги; мақсадлилиги; таъминланганлиги.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислох қилиш сиёсати иқтисодиётнинг барча тармоқлари қатори банк тизимида ҳам кенг кўламда амалға оширилмоқда.

Кредитлаш жараёнини ташкил этиш, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш каби масалаларни тўғри амалға ошириш кредит rischi даражасини пасайтиришга, ҳамда банк кредит портфелини сифатини яхшиланишиға ижобий таъсир кўрсатади.

Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларнинг асосий қисми шу банкларда йиғилади, ҳамда бу банклар

хукукий ва жисмоний шахсларга ўзларининг жозибадор хизматларини кўрсатадилар.

Давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиш жараёнида хўжалик субъектларини кредитлаш тартибининг ўзгариши ҳам одатий ҳолга айланиб қолган. Марказлашган режали иқтисодиёт шароитида пул-кредит ресурслари корхоналарга режадаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда ажратилган фондли товар-моддий бойликларини сотиб олиш учун бериладиган маблағлар турларидан бири ҳисобланарди. Бошқача қилиб айтганда, ўша пайтларда пул-кредит ва молия сиёсати юқоридан бериладиган кўрсатмалар билан режалаштиришга асосланган. Бундай шароитда хўжалик субъектларига кредитлар берилишини ташкил этиш ва жорий кредитлаш амалиёти моддий ресурсларни марказдан туриб тақсимлаш ва уларнинг режали ҳаракати манфаатларига хизмат қилган.

Мустақиллик йилларининг бошларида ташкил қилинган банк тизими бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келувчи банк тизимининг бошланғич пиллапоёси сифатида фаолият бошлаган. Республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши меъёрий ҳужжатлар мазмунини тубдан ўзгартириш, кредитлаш объектларига, қарз ҳисоб рақамлари ва гаров таъминоти ҳамда бошқа молия воситаларига янгича ёндошувлар ишлаб чиқиш эҳтиёжини вужудга келтирди. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилиши ва унинг ривожланиши республика тижорат банкларида кредит беришнинг меъёрий базасини тубдан ўзгартиришни талаб этди. Республикада мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиши, кредит таъминоти ва кредитлаш тартибидаги ўзгаришлар юз бера бошлади.

Тижорат банкларини кредитлаш жараёнини ташкил этишдаги асосий ўзгаришга “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 21 мартдаги Фармони асос бўлди. Бу Фармонга асосан кредитлаш борасида тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш, кредитлаш жараёнини кенгайтириш ва такомиллатириш масалаларини амалга ошириш

кўзда тутилди. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир банкни сиёсий, иқтисодий ва ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритиши амалда мустақил бўлишини талаб этади. Тижорат банклари шунга мувофиқ ўзининг мустақил кредит сиёсатини ва кредитлаш низомини ишлаб чиқишди. Ҳозирги кунда ҳар бир тижорат банки қисқа муддатли кредитлаш амалиётини “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунга, кредит сиёсатига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширмоқда. Бу эса барча банкларнинг ягона умумий меъёрий ҳужжат асосида эмас, балки мустақил равишда, ўз фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, кредитлаш жараёнини ташкил этишга имконият яратади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунда тижорат банклари кредитлаш жараёнини ташкил этиб, уни йилдан-йилга такомиллаштириб бормоқдалар.

Тижорат банкларини кредитлаш жараёнини самарали ташкил этиш учун, биринчи навбатда, уларнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш лозим. Биз тижорат банкларининг кредит сиёсатини олдинги параграфда кўриб чиқдик.

Юқоридаги меъёрий ҳужжатларга асосан қисқа муддатли кредитлаш жараёнини ташкил этиш ва зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш, яъни кредит ҳужжатлари тўпламини шакллантириш тартиби қуйидаги босқичларга бўлинади: кредит олиш учун аризаларни кўриб чиқиш ва бўлғуси қарз олувчи билан суҳбатлашиш; қарз олувчининг кредитни олиш қобиллигини ва ссудани бериш билан боғлиқ рискни баҳолаш; кредит фоиз ставкасини белгилаш; кредит шартномасини тайёрлаш ва имзолаш.

Ушбу босқичлар амалга оширилгандан сўнг, кредит муносабатлари ўрнатилади. Айрим ҳолатларда миждозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини чуқур таҳлил қилинмаслиги натижасида кредит rischi келиб чиқишини инобатга олган ҳолда, бундай ҳолатлар рўй бермаслиги мақсадида миждозлар молиявий аҳволини тўғри баҳолаш лозим.

Тижорат банклари ўз миждозлари фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлиши, уларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини, тўлов интизомини таҳлил қилиш ва кредитлардан келиши мумкин бўлган

йўқотишларга қарши захиралар вужудга келтирили лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган 242—сонли «Активлар сифатини таҳлили тартиби ва мумкин бўлган йўқотишларга қарши захираларни ишлатиш» тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади. Ушбу Низомда берилган кредитларнинг таснифланиши ва кредит рискин баҳолаш янги тартиби, кутилмаган йўқотишларга қарши захиралар ҳисоблаш, ушбу захираларнинг ишлатилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш лозим. Банкда захираларни тўғри ва аниқ ташкил қилинганлиги банк томонидан кредитлар таснифи аниқ амалга оширилганлигини кўрсатади.

Кредит бериш жараёнида кредит шартномаси шартларини бажаришга, қарз олувчи олинган кредитдан самарали фойдаланишига, уни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришига, кредитдан фойдаланадиган бутун давр мобайнида қарз олувчи билан яқин алоқани сақлаб туриши керак. Шу мақсадда миждознинг молиявий ҳўжалик фаолияти, унинг тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот етказиб бериш борасидаги ўз мажбуриятларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини қандай бажараётгани, беҳуда харажатлар ва йўқотишлар кабилар устидан ҳар чоракда миждознинг кредит қобилиятини ҳисоблаб чиқиб, қарз олувчи бўйича тутилган маҳсус йиғма жилдда бу маълумотларни йиғиб бориш керак. Банк ҳар чоракда миждознинг кредит қобилиятини таҳлил қилиб, қарз олувчининг йиғма жилдида бу маълумотларни тўплаб бориши ва банкка берилган гаров ҳолатини текшириб туриши лозим.

Захираларни тўғри ташкил қилиниши маълум бир риск критерияларини белгилайди. Ушбу критериялардан кредитнинг тўрт гуруҳдан қайси бирига тегишлилигини аниқлаш мумкин ва албатта бунинг оқибатида маълум бир кутилмаган йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилинишини амалга ошириш лозим. Тижорат банклари амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кредит портфели сифатини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, ҳар бир кредит билан боғлиқ риск даражасини синфларга бўлган ҳолда аниқлаши зарур.

Тижорат банклари қарзлар бўйича ташкил этган захираларга маблағлар амалдаги тартибда киритилади. Қарзлар бўйича кутилмаган йўқотишлар учун захира хўжалик органларига берилган кредитлар таҳлили ҳамда банк риск даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш асосида ташкил қилиш керак. Захираларни белгилаш асосида захира ҳажми амалдаги қарздорлик ёки риск гуруҳига боғлиқ бўлади. Берилган қарз киритилган риск гуруҳи ёмонлашган тақдирда қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резервга ажратмалар ҳар ойда ўтказиб борилиши лозимдир. Захиралар кредитлар бўйича қуйидагича гуруҳланади:

Яхши кредитлар. Бу ўз вақтида қайтарилиш имкониятига эга бўлган кредитлар бўлиб, қарз олувчини молиявий таъминоти юқори ҳисобланиб, етарлича ўз маблағларига эга бўлади.

Стандарт кредитларга 30 кундан 60 кунгача бўлган муддати ўтган ссудалар ва тўла таъминланмаган 30 кунгача бўлган муддати ўтган ссудалар киради.

Субстандарт кредитлар. Бу кредитларга яхши таъминланмаган 60 кундан 180 кунгача муддати ўтган кредитлар киради ва 30 кундан 60 кунгача тўла таъминланмаган муддати ўтган кредитлар ва 30 кунгача таъминланмаган муддати ўтган ссудалар киради.

Шубҳали кредитлар. Бу кредитларга яхши таъминланмаган, лекин қарз муддати 180 кундан ўтган ва тўла таъминланмаган қарз муддати 60 кундан 180 кунгача бўлган ва 30-60 кунгача бўлган умуман таъминланмаган ссудалар тегишли бўлади.

Умидсиз кредитлар. Бу кредитлар қарз муддати 180 кундан ўтган ва 60-180 кунгача тўла таъминланмаган муддати ўтган қарзлар киради.

1.2. Тижорат банклари кредит портфели ва унинг аудитини асосий йўналишлари

Жамиятнинг ривожланиши ҳамда бозор муносабатларининг қарор топиши кўп сонли банклар ва уларнинг хилма-хил молиявий хизматлар кўрсатадиган ташкилотларга айланишига замин яратади. Банклар орқали

иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш, қимматли қоғозлар ва чет эл валюталарини сотиб олиш ҳамда сотиш операциялари, корхоналарга тегишли мулкларни бошқариш операциялари ва бошқа қатор молиявий операциялар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан тижорат банклари фаолиятида кредит операцияларининг ўрни алоҳида бўлиб, бирламчи аҳамиятини сақлаб қолди. Айни вақтда, банклар фаолиятида кредитлаш амалиётининг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда.

1-жадвал

Тижорат банкларининг активлари ва иқтисодиёт соҳаларига ажратилган кредитлар динамикаси (млрд.сўм)³

Кўрсаткичлар	01.01.2011	01.01.2012	01.01.2013	Ўзгариши	
				млрд.сўм	%
Жами активлар	20739,5	27500,0	35700,0	14960,5	72,1
Иқтисодиётнинг реал соҳага ажратилган кредитлар	11593,0	15600,0	20400,0	8807,0	75,9
Кичик бизнесга ажратилган кредитлар	2734,0	4100,0	5300,0	2566,0	93,8
Инвестицион кредитлар	3211,9	4400,0	5700,0	2488,1	77,5

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики тижорат банкларининг активлари ва иқтисодиёт соҳаларига ажратган кредитлари йиллар давомида жуда катта ўсиш тенденциясига эга. 01.01.2011 йилга нисбатан 01.01.2013 йилда банк активлари 72,1 фоиз, иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар 75,9 фоиз, кичик бизнесга ажратилган кредитлар 93,8 фоиз ва

³ Аналитический обзор банковского сектора Узбекистана по итогам 2012 года.

инвестицион кредитлар эса 77,5 фоизга ошганлиги яққол кўриниб турибди. Юқоридаги рақамлардан банк тизими ривожланиши қанақанги изчил суратларда ошаётганлигидан далолат беради. Бу албатта ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади. Банк кредитларининг ЯИМга нисбатан салмоғининг ошиши иқтисодиётнинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш даражасини ошаётганлигидан далолат беради. Бу жараён, пировард натижада, иқтисодий ўсиш учун қулай замин ҳозирлайди.

Кредитлаш амалиётининг тижорат банклари фаолиятида тутган ўрнини баҳолашда кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги салмоғини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси (млрд. сўм)⁴

Кўрсаткичлар	01.01.2009	01.01.2010	01.01.2011	01.01.2012	01.01.2013	2013 йил 1 январ 2009 йил 1 январга нисбатан ўзгариши
ЯИМ млрд. сўм	37746,7	48097,0	61000,8	77800,0	96000,6	58253,9
Кредит қўйилмалари умумий суммаси, млрд. сўм	6374,4	8558,0	11539,0	15651,5	20392,0	14076,6
ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида	16,9	17,8	18,9	20,1	21,3	4,4

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2008-2012 йиллар мобайнида кредит қўйилмалари ва унинг ЯИМдаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу албатта ижобий ҳолат бўлиб, иқтисодиётимизни

⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

ривожлантиришда кредитларнинг салмоғи юқорилигидан ва уларнинг ҳиссаси йилдан йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредит қўйилмаларининг ўсиши қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредитлар ўсиши эвазига ўзгаришини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қиламиз.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, 2008-2012 йилларда республикада банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати ижобий ҳолатга эга яъни узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга.

3-жадвал

Тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодиётига ажратилган кредитларнинг муддати бўйича таҳлили⁵ (фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2008 й.	2009 й.	2010й.	2011 й.	2012 й.
Кредитлар, жами:	100	100	100	100	100
қисқа муддатли	28	27,8	26,5	25	23
узоқ муддатли	72	72,2	73,5	75	77

2012 йилда узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи 2008 йилга нисбатан

5 фоизли пунктга ошганлиги банкларнинг узоқ муддатли кредитлаш амалиётининг ривожланаётганлигидан далолат беради. Бу эса, корхоналарнинг айланма маблағларини шаклланишида банк кредитларидан фойдаланишни сезиларли даражада ўсганлигидан далолат беради. Шунини

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

таъкидлаш жоизки, иқтисодиёт ва инфляция даражаси барқарор бўлган ҳолатдагина тижорат банклари узоқ муддатли кредитлар беришдан манфаатдор бўлишади. Тижорат банклари кредит фаолияти аудити Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва бевосита тижорат банкининг кредит сиёсатига асосланган ҳолда ўтказилади.

Кредит портфели таҳлиliga асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг таваккалчилигини аниқлайди. Ушбу босқич алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки аудиторлар таваккалчилик даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган захирани кўпайтириш ёки камайитиришга ҳақлидир, бу эса банк активининг сифатида ўз ифодасини топади.

Кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилишда аудитор кредит бериш билан боғлиқ бир нечта кўрсаткичларни, яъни берилган кредитнинг ўзига хос хусусияти, унинг таъминланиши, фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида даромад ҳисобварақларига олиниши, қайтарилиш муддатлари ва ҳоказоларни ўрганиши лозим бўлади.

Кредит портфели бўйича қуйидагилар аудитдан ўтказилади: кредит олиш учун берилган буюртмаларнинг махсус китобда рўйхатдан ўтказилиш тартиби; ажратилган кредитлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, ҳужжатларнинг тўлиқлиги, кредит қайтарилган ҳолатда ҳужжатларнинг белгиланган тартибда архивга топширилиши; кредитларнинг ҳар бир турига очилган аналитик ҳисобларнинг юритилиш тартиби; кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли ҳисобварақларга ўз вақтида ўтказилиши; муддати ўтган кредитлар ҳисобини ўз вақтида бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш тартиби; берилган кредитлар учун талаб қилиб олинган муддатли мажбуриятномаларнинг тўлиқлиги ва уларнинг ҳисоби; кредит портфели текширилгандан сўнг, йўл қўйилган хатоликларни кўрсатиб бериш ҳамда уларни бартараф этиш ва кредит портфели сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Банк кредит фаолияти аудитининг асосий мақсади кредит операцияларини амалга оширишда ички назорат тизимининг ишончилигини баҳолашдир.

Банкларда банкнинг кредит фаолиятини аудит қилиш дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, шулардан бирини кўриб чиқамиз.

Аудитнинг бу дастури қуйидаги беш бўлимдан иборат:

1. Кредит портфелининг умумий таҳлили.
2. Кредит папкаларни ўрганиш.
3. Кредит операциялари бўлими фаолияти.
4. Кредит қўмитаси фаолияти.
5. Кредит фаолияти текширувлари бўйича аудиторлик хулосаси.

1. Кредит портфелининг умумий таҳлили банк кредит портфелининг тўлиқлигини, кредит фаолияти самарадорлигининг баҳосини, банкнинг бошқа филиаллари кредит портфелининг қиёсий сифат характеристикасини таъминлайди.

Кредит портфелининг умумий таҳлили қуйидаги уч асосий қисмдан иборат:

а) кредит портфелининг таҳлилида кредитларнинг жорий ҳолати, муддати, иқтисодий тармоғи, % ставкаси, таъминот тури, сифати, молиялаштириш манбаи ва кредитнинг мақсади кўриб чиқилади.

б) кредит фаолияти самарадорлигининг баҳоси қуйидагиларни ўз ичига олади: актив операциялар рентабеллигининг ва кредитлар бўйича кутиладиган зарарларни қоплаш учун резервлар бўйича ҳаражатлар даражасининг таҳлили; фоизли даромадлар таркиби; резервларни шакллантириш бўйича ҳаражатлар; фоизли ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда кредит фаолиятининг рентабеллиги.

с) банк филиали кредит портфелининг ҳолатини ҳуди шундай бошқа филиалларники билан таққослаш. Бу жараён кредитлаш самарадорлигининг ҳақиқий баҳосини таъминлайди.

- 2) Кредит папкаларини ўрганиш таҳлили қуйидаги 6 қисмдан иборат:

а) кредитни расмийлаштириш кредит ҳужжатларининг қонунчилик ва ички норматив талабларга жавоб бера олиши инвентаризациясини таъминлайди.

б) кредитдан фойдаланиш ссуда ҳисобварақларидаги қолдиқларнинг аниқлигини, кредит ресурслар санасининг вауларга белгиланган фоизларнинг тўғрилигини, кредитнинг молиявий лойиҳа шартларига мувофиқ мақсадли ишлатилганлигини текширишни таъминлайди жараён қуйдаги масалаларни ўз ичига олади:

- кредит ресурсларидан фойдаланиш санаси (даври);
- фойдаланиш суммаси;
- кредит йўналиши-қайси банкка, қайси ташкилот ҳисобрақамига, қайси ҳужжатлар асосида.
- маблағлардан мақсадли фойдаланиш.

с) кредит шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши – барча мувофиқ ҳужжатларнинг вақтида банка етказилиши, бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилиши, кредит бўйича қарздорнинг тўлов мажбуриятларини амалга ошириши, кредит бўйича фоиз ва комисион ҳақларнинг тўғри ҳисобланиши.

д) мониторинг-доимий кузатув бўйича функция ва лойиҳа ҳолатини, қарздор ва таъминот предметини баҳолаш:

- лойиҳанинг дастлабки мониторинги (кредитни беришгача);
- жойига бориб кредитдан мақсадли фойдаланишни текшириш;
- лойиҳани ҳар кварталда мониторинг қилиш;
- қарздорни доимий мониторинг қилиш;
- таъминотни ҳар кварталда мониторинг қилиш, йилида камида 2 марта қайта баҳолаш;
- кафил ва гарантни ҳар кварталда мониторинг қилиш;
- лойиҳа рентабеллигининг таҳлили;
- текшириш натижалари бўйича маълумотнома ва актларни тайёрлаш;

➤ банкнинг кредит қўмитаси томонидан қарздорнинг кредитдан мақсадсиз фойдаланганлиги, қарздор ёки кафил молиявий ҳолатининг, гаров предмети физик ҳолатининг ёмонлашган ҳолларда адекват чораларини ўз вақтида қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ муаммоли кредитлар ва улар бўйича фоизларни ҳисобдан чиқариш бўйича масалаларини банк кредит қўмитаси томонидан ўз вақтида ҳал этилиши бўйича қарорлар қабул қилиш.

е) кредитнинг жорий ҳолати бўйича маълумотларини очиб бериш:

- ссуда ва муддати ўтган қарздорлик бўйича қолдиқ;
- қарздорнинг молиявий ҳолати;
- кредитнинг умумий сифати;
- таъминотнинг ҳолати;
- шакллантирилган резервлар суммаси.

ф) кредит сифати бўйича аудиторлик хулосаси-кредит реал ҳолатининг баҳоси ва камчиликлар мавжуд бўлганда уларни тўғрилаш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;

- кредит сифати;
- кредит rischi баҳоси;
- шакллантирилган резервлар адекватлиги баҳоси;
- тавсиялар.

3) Кредит операциялар бўлими фаолияти - ички назорат тизимининг таркибий қисми бўлган жорий назоратни таъминловчи масъул банк бўлими ишининг самарадорлигини баҳолаш;

- бўлим тўғрисида низом ва ишчилар Билан танишиш;
- бўлим иш режаси;
- кредит инспекторларининг мажбуриятлари;
- ишчи ва бўш ўринларнинг ҳақиқий миқдори;
- иш тартиби;
- кредит бўлими ходимларининг иш ҳажми (кредит лойиҳаларинг ходимлар ўртасида тақсимланиши);

- муаммоли кредитлар Билан ишлаш самарадорлиги;
- техник ва иқтисодий ўсишларнинг даврийлиги;
- кредит ишларининг олди-берди актларининг мавжудлиги;
- назорат қилувчи органлар томонидан ташқи текширишларнинг миқдори, камчиликларни йўқотиш бўйича чораларнинг кўрилиши.

4) Кредит қўмитаси фаолияти-таркибий қисмнинг ишини самарадорлигини баҳолаш, яъни банкнинг кредит функциясини назорат қилувчи масъул шахсни.

- кредит қўмита таркиби ва кредит фаолиятига қатнашиши;
- кредит қўмита мажлисини ташкил этиш тизими;
- қарорларни қабул қилишда жамоавийлик;
- кредит қўмитаси протоколларини акт қилиш ва сақлаш;
- қарздорликни 60-90 кундан ортиқ муддатга чўзилиши мавжуд бўлган ҳолларда ўстирмаслик мақомини бериш бўйича ўз вақтида қарорлар қабул қилиш;
- кредитларни қайта таснифлаш ва шакллантирилган резервлар адекватлиги бўйича қарорларни ўз вақтида қабул қилиш;
- муаммоли кредитлар ва улар бўйича фоизларни ҳисобдан чиқариш бўйича ўз вақтида қарорларни қабул қилиш.

5) Кредит фаолияти натижалари бўйича аудиторлик хулосасини тайёрлаш-текширишнинг якуний босқичи бўлиб, ички назорат тизимини ишончилигининг якуний баҳосини чиқаришга қаратилган.

Ҳужжатларни танлама текширишда қуйидагилар зарур: барча ҳужжатлар йиғиндисига натижалар экстрополяциясини амалга ошириш; ҳужжат ҳатоликлари миқдорини ва умумий ҳажмдаги улушини, қиймат ҳатоликлари ва оборотдаги улушини акс эттириш; ички назоратнинг риск даражасини баҳолаш; ички назорат тизимининг ишончилигини баҳолаш; камчиликлар содир бўлишининг асосий сабабларини аниқлаш; аниқланган камчиликларни йўқотиш бўйича тавсияларни тайёрлаш.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу дастур доирасида аудиторлик текширувини амалга ошириш кредит фаолиятининг барча аҳамиятга молик бўлган жойларини тўлиқ қамраб олишини таъминлайди.

Кредит операциялари етарли даражада кўп қиррали ва мураккаб бўлиб, уларни амалга оширишда банкда бир қанча хатоликлар ва бузилишлар рўй бериши мумкин. Аудитор тижорат банклари кредит фаолиятини аудит қилишда ушбу хато ва қонунбузарликларни ўрганиб чиқиши керак. Уларни кредит ишининг алоҳида йўналиши бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: кредит ишини ташкил этишдаги хатолар; кредит шартномалари ва гаров операцияларини расмийлаштиришдаги хатолар; актив ва пассив кредит операцияларини амалга оширишдаги ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришдаги хатолар; ссудалар бўйича йўқотишлар учун захираларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланишдаги хатолар.

Кредит ишини ташкил этишдаги хатолар: банк кредит сиёсати тўғрисидаги Низомнинг йўқлиги; кредит операцияларини амалга оширишда лимит ва чекловларнинг ўрнатилмаганлиги; берилган ссудаларнинг етарлича асосланмаганлиги; қарздорга кредит беришда унинг молиявий ҳолати тўлиқ қилинмаганлиги; қарздорнинг кредит тарихи ўрганилмаганлиги; кредитланадиган битимда бизнес-режа ва техник-иқтисодий асос таҳлилининг қилинмаганлиги; кредитни беришда банк томонидан кредит рискин баҳоламаслик; берилган кредитлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилмаслик; кредит шартномаларидан бажарилиши ва қарздор молиявий ҳолати устидан назоратнинг бўш ташкил қилинганлиги; берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг келиб чиқишига сабабларни таҳлил қилмаслик.

Кредит шартномалари ва гаров операцияларини расмийлаштиришдаги хатолар: кредит шартномасида зарур маълумотларнинг йўқлиги (қарздорнинг тўлов реквизитлари, кредитни бериш, асосий сумма ва фоизини тўлаш муддатлари, шартнома шартларини бажармаганда жарима санкциялари ва бошқалар); баъзи мижозлар кредит папкасининг тўлиқ

шакллантирилмаганлиги; шартнома тузилганда қарздорнинг мулк объектига эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат ва суғурта полисининг йўқлиги.

Актив ва пассив кредит операцияларини амалга оширишдаги ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришдаги хатолар: балансдан ташқари ҳисобрақамларда гаров предметининг нотўғри акс этиши, гаров мулки аналитик ҳисобининг йўқлиги; муддати ўтган кредитларни тегишли ҳисобрақамларга ўз вақтида ўтказмаслик; балансдан ташқари ҳисобрақамларни ўз вақтида ёпмаслик.

Ссудалар бўйича йўқотишлар учун заҳираларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланишдаги хатолар: ссуданинг таъминот критерияси бўйича нотўғри таснифланганлиги (масалан, ссуда таъминланган деб топилган, аммо гаровнинг ҳақиқий (бозор) баҳоси ссуданинг асосий суммаси ва шартнома бўйича келишилган фоизини банкка тўлаш учун етарли эмас); риск гуруҳи ўзгарганда заҳира коррективировкаси ўз вақтида амалга оширилмаганлиги; ташкил этилган заҳира суммасини муддати ўтган ссудалар бўйича заҳиралар ҳисобрақамига ўтказилмаганлиги; заҳираларнинг муддати ўтган фоизларни балансдан чиқариш учун ишлатилмаганлиги.

II. БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банкларининг кредит бериш ва қайтариш операциялари ҳисобининг юритишлиши

Кредит бериш ва қайтариш операциялари ссуда ҳисобварағларида акс этирилади. Агар товар сотиб олиш учун корхонанинг ҳисобварағида маблағ бўлмаса, корхонада бир марталик қарз маблағларига эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эҳтиёжни қондириш учун «кредитйўли очилмаган» ссуда ҳисобварағидан фойдаланилади. Бундай ҳисобварақдан кредит бериш бир марталик ссуда бериш йўли билан амалга оширилади. Бундай ссуданинг ҳар бири бўйича банк алоҳида қарор қабул қилади. Бу шуни билдирадики, агар келгусида яна кредит зарур бўлса, корхона раҳбарияти банк талаб қилган ҳужжатларнинг янги тўпламини тўлиқ ишлаб чиқиши, худди биринчи кредит олинганидек музокаралар олиб бориши ва барча юридик расмийлаштириш ишлари бажарилиши лозим.

Шунинг учун, агар кредит ресурсларига эҳтиёж узоқ муддатли ва такрорланувчан эканлиги олдиндан таҳлил қилинса «кредит линияси очиб» кредит бериш тўғрисида шартнома тузиш қулайроқ бўлади ва арзонроқ тушади. Кредит линияси бу корхона билан банк ўртасида белгиланган суммада заём (қарз)лар туркумини бериш тўғрисида тузилган келишувидир.

Кредит йўлини очишда банк томонидан кредитлаш лимити белгиланади. Шу лимит доирасида кредит беришда банк билан қўшимча музокаралар олиб бориш талаб қилинмайди. Кредит тармоғини очилиши шуни билдирадики, корхонага етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун банк кредит суммаси доирасида корхонанинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича пул тўлайди. Шу билан бирга, банк пулни ҳужжатлар топширилган куни тўлашга мажбур. Кредит ўз вақтида берилмаганлиги ва

мижознинг товар етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобни кечикиб амалга оширилганлиги учун банк жавобгар ҳисобланади.

Қисқа муддатли кредит олиш учун алоҳида кредит линиясини очиш шарт эмас. Банк билан унинг миждози ўртасида махсус битим тузилиб, шу битимга асосан миждозга унинг ҳисоб-китоб варағида қолган маблағдан ортиқ суммадаги тўловларни амалга оширишга рухсат этилади. Қисқа муддатли кредитнинг бундай тури овердрафт дейилади. Шартномада овердрафт қарзнинг энг катта суммаси, кредит бериш шартлари, кредитни қоплаш тартиби, фоиз даражаси белгиланади. Овердрафтда миждознинг ҳисоб китоб варағига келиб тушадиган барча сумма кредитни қоплашга йуналтирилади. Шунинг учун кредит ҳажми маблағ келиб тушган сари ўзгариб туради, ана шуниси билан овердрафт кредитининг бошқа турларидан фарқланади. Овердрафт қисқа муддатли кредитлаш қоидаларида кўзда тутилганига қарамай, республика банклари тажрибасида овердрафтни контокоррентдан бошқа исталган кредит турига қайта расмийлаштириш ҳуқуқи қўлланилмоқда.

Контокоррент ҳисобварағи корхонанинг барча операцияларини бирга жамлашга имкон беради. Контокоррент ҳисобварағи миждознинг банкдаги кредит ҳисоб-китоб хизматини амалга ошириш учун мўлжалланган ягона ҳисобварағи бўлиб, барча операциялар шу ҳисобварағ бўйича бажарилади. У кредит ва депозит ҳисобварағи аломатларини ўз ичига жамлаган. Контокоррект ҳисобварақда бир томондан тушумлар акс эттирилади, иккинчи томондан унда кредитлар ва тўловлар қайд қилинади. Натижада дебет сальдо (қарз) ҳам, кредит сальдо (маблағнинг мавжудлиги) ҳам вужудга келиши мумкин. Контокоррект ҳисобварағи очилганда қарз олувчи корхонанинг ҳисоб-китоб варағи ёпилади. Банк котокоррект ҳисобварағ бўйича кредитлаш лимити ссуданинг чегаравий миқдорини белгилайди. Шу лимит суммасига банкнинг қафолат мажбурияти расмийлаштирилади.

Ушбу кредит маблағларини фақат корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган товарлар ва хизматларга сарфлаш мумкин. Бошқа барча

тўловлар (умумий хўжалик харажатлари, иш ҳақи ва ҳоказо) фақат контокоррект қўлланилмайди. Кредитнинг бу тури чет эл тажрибасида чеклар ва кредит карточкалари билан ҳисоб-китоб қилишда кенг қўлланилади. Банк мижози учун шу ҳам муҳимки, қисқа муддатли кредитлашни ташкил қилиш қоидаларига мувофиқ, мижоз ўз ҳисобварағида кредит сальдоси бўлишини таъминлаши лозим. Қарз олувчининг банкда депозит ҳисобварағи бўлган тақдирдагина қарздорликни сақлашга йўл қўйилади, лекин унинг салмоғи депозит, ҳисобварағидаги маблағ суммасидан ошмаслиги керак. Агар банкда мижознинг депозит маблағлари бўлмаса ой охирида ҳисоб-китоб варағида қарз пайдо бўлса, қарзнинг миқдори қандай бўлишидан қатъий назар, кредит қоплангунга қадар банк кредит беришни тугатиши лозим. Демак, агар ҳисобот оyi охирида мижознинг ҳисоб-китоб варағида қарз пай до бўлган бўлса, навбатдаги ой бошида овердрафт доирасида фирма тўловларни тўлашга умид қилиши мумкин эмас ва аксинча, кредитни қоплаш учун маблағ излашга тайёр бўлиб туриш лозим бўлади.

Контокоррент ҳисобварақда бир томондан тушумлар акс эттирилади иккинчи томондан кредитлар ва тўловлар қайд қилинади. Натижада дебет сальдо, яъни қарз ҳам кредит сальдо, маблағларнинг мавжудлиги ҳам вужудга келиши мумкин.

Контокоррент ҳисобварағи очилганда қарз олувчи корхонанинг ҳисоб-китоб варағи ёпилади. Банк контокоррент ҳисобварағи бўйича кредитлаш лимити ссуданинг чегаравий миқдорини белгилайди. Шу лимит суммасига банкнинг кафолат мажбурияти расмийлаштирилади.

Контокоррент ҳисобварағ бўйича фоизлар дебет қолдиғи бўйича ҳам, кредит қолдиғи бўйича ҳам, яъни банк фойдасига ҳам, қарздор фойдасига ҳам ёзилади, Дебет қолдиғи (қарз) бўйича мижоз банкка кредит шартномасига кўра фоизларни тўлайди. Кредит қолдиғи (маблағнинг мавжудлиги) бўйича банк қарздорга ҳисоб-китоб шартномасига мувофиқ фоизларни тўлайди.

Конторрент ҳисобварақнинг амал қилиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак. Ўн икки ой ўтгандан сўнг қарздор ҳисобвараққа маблағ тушишини тامينлаши лозим. Агар белгиланган муддат охиригача ҳисобварақда салбий сальдо сақланиб қолса, кредит тўлиқ қоплангунча кредит бериш тўхтатиб қўйилади.

Кредит олиш учун банкда ҳар бир кредит бўйича алоҳида ссуда ҳисобварағи очилади. Мижоз кредит олиш учун банкка белгиланган тартибда ҳужжатлар пакетини расмийлаштириб топширади. Кредит комиссиясининг қарорига кўра кредит бериш лозим деб топилса банк ва кредит олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кредит шартномасида кредитнинг нима мақсадда олиниши, муддати, суммаси, қайтарилиш тартиби, кредит учун тўловлар, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва бошқа шартлар кўрсатилади.

Кредит бўлимининг фармойишига кўра, ҳисоб операцион бўлимида кредит олувчи корхонага ссуда ҳисобварағи очилади. Қайси типдаги хўжалик юритувчи субъектлигига қараб тегишли баланс ҳисобварағи бўйича кредит ҳисобварағи очилади. Масалан: жисмоний шахсларга 12500, юридик мақомга ега бўлмаган якка тадбиркорларга кредит бериш учун 12600 баланс ҳисобварағи бўйича ссуда ҳисобварағи очилади. Давлат корхоналарига кредит беришда эса 12700 баланс ҳисобварағи очилади. Кредит ҳисобварағи ҳам 20 та разряддан иборат бўлиб, унинг ичида кредит олмоқчи бўлган корхонанинг хос рақами бўлиши лозим. Масалан, мижозга берилган уникал хос рақам 04952452 бўлса сўмда берилган кредитни ҳисобга олиш учун қарз олувчи давлат корхонаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги ҳисобварақ очилади.

12701000504952452001

Агар мижоз хусусий корхона бўлса, унинг ссуда ҳисобварағининг намунавий кўриниши қуйидагича бўлади:

13101000209452581001

Бу ҳисобварақларда банк томонидан давлат корхоналарига берилган қисқа муддатли кредитларнинг ҳисоби юритилади. Ҳисобрақамнинг дебитида давлат корхоналарига берилган ссудаларнинг суммаси акс эттирилади. Ҳисобрақамнинг кредитида эса қарздорлар томонидан қайтарилган ссудаларнинг суммаси акс эттирилади. Бу ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор ва кредитларнинг турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Худди шундай тартибда бошқа мулкчилик шаклларига тегишли бўлган, қарз олмоқчи бўлган хўжалик юритувчи субъектларга ссуда ҳисобварақлари очилади ва улар бўйича кредит бериш ва қайтариб олиш бўйича операциялар бажарилади.

Корхона ва ташкилотларга ёки алоҳида олинган жисмоний шахсларга ссуда ҳисобварағи очилгандан сўнг улар бўйича кредитнинг берилиши ва қайтарилиши бўйича операцияларини амалга ошириш мумкин. Уларга кредит берилиши кредит комиссиясининг фармоиши асосида амалга оширилади, яъни кредит бўлими томонидан ҳисоб операцион бўлимга мижозга ссуда ҳисобварағи очиш ва кредит бериш тўғрисидаги ёзма фармойиши берилади. Маъсул ижрочилар фармойишда кўрсатилган реквизитлар асосида ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш орқали кредит бериш бўйича бухгалтерия проводкаларини бажарадилар.

Банкларда кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш «Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғриси»даги 1435-сонли 2004 йилнинг 17 декабрида рўйхатдан ўтган Низом асосида амалга оширилади. Қуйида биз хусусий корхоналарга кредит бериш бўйича бухгалтерия проводкаларини кўриб чиқамиз. Хусусий корхоналарга хўжалик ширкатлари ва жамиятларга қисқа муддатли кредит бериш учун 13100 - «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар» номли баланс ҳисобварағи очилади. Бу ҳисоб рақам бир қатор субҳисобварақларни ўз ичига олади.

13101- «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар»

13105- «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар»

13109- «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли шартлари қайта кўриб чиқиладиган кредитлар». Кредит берилаётганда кредит суммаси корхонанинг ҳисоб-китоб ҳуж-ж ати тўланаётган бўлса, пул ўтказилиши лозим бўлгани маҳсулот(товар) сотувчи ёки хизмат кўрсатган корхона ҳисобварағига ўтказилади. Пул туширилиши лозим бўлган корхонага бошқа банк бўлими хизмат кўрсатса, кредит суммаси кредит бераётган банкнинг вакиллик ҳисобварағи орқали тегишли банкга ўтказилади.

Кредит берилаётганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади: Дебет 13101 - «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар» 13101 ҳисобварағида банк томонидан хусусий фирмалар, ширкатлар ва жамоа хўжалиги ва шу каби хусусий мулкчилик шаклига эга бўлган корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитларнинг ҳисоби юритилади. Бу ҳисобварақ бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор ва кредит турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

Кредитлаш муддатлари кредитнинг бошқа шартлари билан биргаликда кредит оловчи томон ва банк ўртасида тузилган кредит шартномаси белгилаб олинади. Кредитнинг қайтариш муддати келганда кредитни қайтариш бўйича бухгалтерия проводкалари бажарилади. Шартномага асосан кредитнинг қайтарилиши миқдорнинг топшириқномасига ёки банкнинг мемореал ордерига асосан амалга оширилади. Кредитни қайтариш бўйича бухгалтерия проводкалари қуйидагича кўринишда бўлади.

Дебет 20208 Ҳисобварақ номини мустақил ёзинг.

Кредит 13101 Ҳисобварақ номини мустақил ёзинг.

Бу бухгалтерия проводкаси агар мижознинг талаб қилингунча сақланадиган депозит бўйича ҳисобварағида кредитни қайтариш учун етарли пул маблағлари бўлган ҳолда бажарилади. Агар қарздорнинг ҳисобварағида ссудани қайтариш учун маблағи йўқ бўлса ссуда суммаси 13101 - «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар» ҳисобварағига ўтказилади.

Бу операция бўйича қуйидаги бухгалтерия проводкаси амалга оширилади.

Дебет 13105 «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар».

Кредит 13101 «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар».

Қайтариш муддати келганда тўланмаган ва 90 кун ўтгандан сўнг ҳам қайтиб келмаган ссудалар 13109 «Хусусий корхона ва нодавлат корпорацияларига берилган қисқа муддатли шартлари қайта кўриб чиқиладиган кредитлар» баланс ҳисобварағига ўтказилади.

Кредитларнинг қайтиши маълум таваккалчиликни талаб қилади. Шу сабабли банкларда кредитлар бўйича зарарларни қоплаш захираси ташкил этилади. Хусусий корхоналарига ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича зарарларни қоплаш захирасининг ҳисобини олиб бориш учун 13199 баланс ҳисоб рақами очилади. Унда банкнинг хусусий фирмалар, ширкатлар, жамоа хўжаликлари ҳамда корхоналари, корпорацияларига берган ундириб олинмай қолиши мумкин бўлган қисми бўйича кўриладиган зарарларни қоплаш учун яратилган захиралар ҳисоби олиб борилади. Аналитик ҳисоб ҳар бир мижоз ва кредит турлари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларида акс эттирилади. Бошқа мулкчилик шаклларига тегишли бўлган корхона, ташкилот, фирма, банк ва бошқаларга кредит бериш ва берилган кредитларни қайтариш бўйича операциялар худди шу тарзда амалга оширилади. Фақат тегишли ҳисобварақлар тизими ишлатилади.

Кредитлар бўйича фоизларни ҳисоблаш «Тижорат банкларида фоизларни ҳисобиаш тўғрисида»ги 1306-сонли 2004 йилнинг 30 январиди Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Низомга мувофиқ амалга оширилади. Ҳар бир кредит бўйича банк ва мижоз ўртасидаги шартномада келишилган миқдордаги фоиз ставкалари асосида банк фойдасига фоизли даромадлар ундирилади. Фоизлар бўйича суммалар қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади.

Фоиз суммаси = кредит миқдори * фоиз ставкаси * кунлар сони / 360

Кредит учун фоиз суммаси кредит миқдори фоиз ставкаси кунлар сони 360 кунга бўлишимизга сабаб фоиз ставкалари йиллик қилиб белгиланади. Лекин барча банк операциялари компьютерлаштирилганлиги сабабли дастурий йўл билан тўланадиган фоизлар ва асосий қарз суммалари бутун кредитлаш даври учун график кўринишида чиқариб берилади. Бундай графикнинг бир нусхаси мижозга берилади, мижозлар ушбу график асосида кредит суммасини ва фоизларни белгиланган тартибда тўлаб борадилар.

Банкларда кредитлар бўйича фоизлар ҳар куни ҳисоблаб борилади ва 16309-«Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизлар» ҳисобварағида акс эттирилади. Фоизлар ҳисобланганда лекин ҳали ундирилмаган ҳолда қуйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади:

Дебет 16309 - «Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар»

Кредит 42602 - «Хусусий корхоналарга берилган қисқа муддатли ссудалар бўйича фоизли даромадлар»

Фоизлар суммаси ундирилганда эса қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 20208 - «Хусусий корхона, ширкат ва жамоаларнинг талаб қилингунча сақланадиган депозитлари»

Кредит 16309 - «Берилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар»

Капитал қўйилмаларини молиялаштиришнинг манбаларидан бири узоқ муддатли кредитлашдир. Узоқ муддатли кредитлаш деб, янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва янги технологияларни ўзлаштириш, шунингдек,

ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар учун мўлжалланган объектларнинг қурилиши, реконструкцияси ва техник жиҳатдан қайта қурилиши билан боғлиқ бўлган мақсадларга 1 йилдан 10 йилгача муддатга бериладиган кредитларга айтилади.

Узоқ муддатли кредитлаш объектларига қуйидагилар киради: бино-иншотлар қурилиши; корхона ёки унинг сеҳларини қурилиши; ишлаб чиқариш объектларини қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш; янги техника, технология, жиҳозлар, транспорт воситаларини сотиб олиш; турар уй-жой биноларини қуриш ёки сотиб олиш; янги ерлари ўзлаштириш ва хоказо.

Кредитни расмийлаштириш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- 1).Кредит буюртмасини ўрганиб чиқиш;
- 2).Бўлажак қарздорларнинг молиявий ҳолати ва кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- 3). Кредитланадиган объектни кенг камровли экспертиза қилиш.

Такдим этилган ҳужжатлар асосида миқдорнинг молиявий ҳолати ва кредитга лаёқатлилиги ўрганиб ва баҳолаб чиқилгандан сўнг барча ҳужжатлар кредит комитетига ҳулоса бериш учун такдим этилади.

Кредит комитетининг кредит бўйича ижобий ҳулосаси қабул қилингандан кейин банк протоколни банкнинг бош бошқармасига йўллайди. Бош бошқарма ижобий ҳулоса қабул қилгандан кейингина банк бўлими қарз олувчи билан кредит шартномасини тузади.

Кредит шартномаси банк билан қарздор ўртасидаги муносабат асоси бўлиб, шартнома тузилган вақтдан то кредитнинг тўлиқ қайтарилиши ва улар бўйича фоизлар тўланишигача амал қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, банк билан қарздор ўртасида кредит шартномаси имзоланаётганда банкнинг юридик хизмати бўлими иштирок этиши лозим, чунки у ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши учун масъулдир.

Банкларда узоқ муддатли кредит бериш кредит шартномасида кўрсатилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади. Кредит бўлими инспектори томонидан банк ҳисоб операциян бўлимига ссуда ҳисобварағини очиш ҳақида ёзма фармойиш беради. Фармойишга асосан ҳисобварақ очилиб, ушбу ҳисобварақ бўйича ссуда бериш ва қайтариш операциялари акс эттирилади. Кредитни ва ҳисобланган фоизларни қайтариш графиги йиллар ва ойлар бўйича бўлиб тузиб чиқилади.

Узоқ муддатли кредит бериш миқдорнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлаш орқали амалга оширилади, бу операция қуйидаги проводка орқали бажарилади:

Дебет «Узоқ муддатли ссуда ҳисобварағи»;

Кредит «Маҳсулот (товар) сотувчи ёки пудратчининг ҳисобварағи».

Агар кредит олаётган корхона давлат корхонаси бўлса, у ҳолда проводка қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Дебет 15101 «Давлат корхонасига берилган узоқ муддатли кредитлар»;

Кредит 20200 «Миқдорларнинг талаб қилинганча сақланадиган депозитлари».

Шартнома кўрсатилган ставкада дастурий йўл билан ҳар куни фоиз суммаси ҳисоблаб борилади. Ҳисобланган фоизлар 16309 ҳисобварақда акс эттирилади. Ҳисобланган фоизлар суммаси, шунингдек, тегишли даромад ҳисобварағида ҳам акс эттирилади. Фоизлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси бажарилади.

Дебет 16309 «Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар»;

Кредит 44401 «Давлат корхона ва ташкилотларига берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар».

Фоизларни ундириш кредит шартномасида кўрсатилган ҳажмда ва белгиланган кетма-кетликда қарздорларнинг талаб қилиб олинганча ҳисоб рақами бўйича мемориал ордерларни расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Фоизларни ундириш қарздорнинг рухсатсиз амалга оширилади. Бу операция қуйидаги проводка орқали расмийлаштирилади:

Дебет 20210 «Давлат корхоналарининг (қарздор) талаб қилиб олингунча ҳисобварағи»;

Кредит 16309 «Кредитлар бўйича фоизлар».

Кредит ва улар бўйича фоизлар корхоналарнинг ҳисобварақига тушадиган келаси реал пул оқимини ҳисобга олган ҳолда тузилган жадвал асосида қайтарилади. Бу операция қуйидаги проводка орқали расмийлаштирилади:

Дебет 20210 «Давлат корхоналарининг талаб қилиб олинадиган ҳисобварақлари»;

Кредит 15101 «Давлат корхоналарига берилган узоқ муддатли кредитлар».

Кредитларни қайтариш бўйича тўловлар ҳар ойда ёки ҳар кварталда амалга оширилиши мумкин. Агар лозим бўлса кредит ва фоизларни қайтариш бўйича жадвалга иккала томон розилиги билан аниқликлар киритилиши мумкин. Қарздор ҳамма кредитни ва улар бўйича фоизларни муддатдан олдин қайтариш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолда қарздор банкнинг кредит ресурсларини жалб қилиш унинг учун сарфланган харажатларини қоплаши лозим. Агар кредит ва улар бўйича фоизлар белгиланган муддатда қайтарилмаса, банк жорий қонунчилик асосида даъвогарлик хатини топшириш ва хўжалик судига даъво аризасини топшириш чораларни кўради.

Қарз қолдиғи банк томонидан тўлов талабномаси орқали расмийлаштирилади ва иккинчи картатекага жойлаштирилади. Қарзни қайтариш календар кетма-кетликда амалга оширилади, фоизлар асосий қарздан олдин қайтарилади.

Кредит муддати ўтган бўлиб ҳисобланганда, кредит суммаси муддати ўтган кредитлар ҳисобварағига ўтказилади ва қуйидаги проводка билан расмийлаштирилади:

Дебет 12705 «Давлат корхоналарига берилган муддати ўтган кредитлар».

Кредит 15101

Банк кредитларнинг асосий суммасини ва тўланмаган фоизни ундирганда қуйидаги проводка бажарилади:

Дебет 20210

Кредит 12705 «Давлат корхоналарига берилган муддати ўтган кредитлар».

Банк ҳар доим мижозларнинг фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиши лозим ва улар ҳақида ахборотлар базасини тузиши керак. Банк инвестиция кредитлари ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш давомида маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, ўз вақтида қайтарилиши, фоизларнинг график асосида тўланиши устидан мониторинг ва назорат олиб боради.

2.2. Тижорат банкларининг кредит фаолиятини аудитдан ўтказиш тартиби.

Кредитлар тижорат банклари маҳсулотининг асосий тури ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг жорий ва инвестиция харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаига айланади. Банклар кредитлар орқали ўзларининг фаолиятини молиявий асосини яратадилар.

Банк кредити ўзининг моҳиятига кўра қийматнинг пул шаклидаги ҳаракатидир. Бу ҳаракат, аввало капиталнинг доиравий айланиши ва айланишидаги узлуксизликни таъминлашга қаратилган. Демак, кредит товар-моддий бойликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш манбаидир. Ривожланаётган ҳорижий давлатларда ва Ўзбекистон Республикасида кредит ҳисобидан янги техника ва технологиялар сотиб олинмоқда. Бу эса миллий иқтисодиётни инқироз ҳолатидан чиқариш ва ривожлантиришнинг устивор йўналиши ҳисобланади. Янги техника ва технологиялар билан қуролланган ишлаб чиқариш объектларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ошади ва пировард натижада миллий даромадни кўпайишига олиб келади.

Айни вақтда, кредитдан самарасиз фойдаланиш миллий иқтисодиёт

ривожига салбий таъсир қилади. Бизнинг фикримизча, ушбу салбий таъсирнинг икки асосий жиҳатини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Кредитларни олиш ҳажмининг кескин ўсиши ва уларнинг сезиларли қисмини қайтарилмаслиги муомаладаги пул массасининг ўсишига ва товар массаси билан пул массаси ўртасидаги фарқни кенгайишига олиб келади.

2. Халқаро кредитларнинг қайтмаслиги мамлакатнинг ташқи қарзини кўпайишига ва миллий даромаднинг асосий қисмини ташқи қарзни тўлашга сарфлашга олиб келади.

Кредит жараёнининг моддий асоси бўлиб, умумижтимоий маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади, ўз навбатида унинг кенгайиши ёки қисқаришини банк ресурсларига бўлган талаб ва таклиф, ҳамда тижорат банклари операцияларини кенгайиши ёки қисқаришини аниқлайди. Ўз навбатида тижорат банклари бўш пул маблағларини ва ташкилотлар ва аҳолини маблағларини тўплаш, уларни ссуда капиталига айлантириш ва қайта тақсимлаш мобайнида иқтисодиётни умумий эффективлигини ошириш мақсадида капитални бир тармоқдан бошқа тармоқларга жойлаштиришни таъминлайди.

Кредит жараёнини ташкил қилиш кредитнинг моҳияти ва мазмунини ифодаловчи кредитлаш тамойилларига, ҳамда мамлакатнинг тегишли қонун ва талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Кредитлашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: қайтаришлилик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадлилик.

Муддатлилик тамойили бу кредитни қайтаришлилик заруриятини ўзида ифода этади. Ушбу тамойил шу билан биргаликда нафақат қайтариш заруриятини, балки аниқланган муддатда қайтаришлиликни ифода этади, яъни белгиланган вақт оралиғи катта аҳамият касб этади.

Агар ушбу тамойилга риоя қилинмай, кредитдан фойдаланиш муддати бузилса, у ҳолда кредитнинг моҳияти бузилади, у узининг ҳақиқий мазмуни

ва вазифасини йўқотади, ҳамда мамлакатнинг пул муомаласи ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кредитнинг ушбу тамойилига алоҳида эътибор бериш тақозо этилади. Буни бир қатор сабаблар билан мустаҳкамлаш мумкин:

Биринчидан, ушбу тамойилга риоя қилиш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни пул маблағлари билан нормал ҳолда таъминланишига, натижада маҳсулот ишлаб чиқаришни ўсиш ҳажми ва темпига таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, бу тамойил банкни ўзини ликвидлигини таъминланиши учун зарур ҳисобланади.

Учинчидан, ҳар бир миқдори ушбу тамойилга риоя қилиши уни банк олдида ишончини ортишига, банкдан янги кредитлар олиш имкониятини кўпайишига, натижада муддати ўтган кредитлар учун оширилган фоиз ставкаларини тўламасдан ўзларини тижорат мақсадларини амалга оширишга кенг имконият яратади.

Қайтариш муддатига кўра кредитлар қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитларга бўлинади.

Кредитларнинг қайтмаслиги банк балансининг қониқарсиз бўлишини асосий сабабларидан бири бўлади, шунинг учун кредитларни асосий массаси таъминланган ҳолатда берилади.

Таъминланганлик кредитни тўлиқ қайтарилишини таъминламайди, лекин рискни маълум даражада енгиллаштиради.

Яқин йилларгача кредитни таъминлашда фақат кўчмас мулклар ҳисобга олинади. Ҳозирги кунда мулк ёки қимматли қоғоз гарови, банк ёки суғурта ташкилоти кафолати, учинчи шахснинг кафиллиги, кредитни қайтара олмаслигини суғурталовчи суғурта полиси, заргарлик буюмлари, эркин алмашувчи валюталар таъминланганлик предмети бўлиши мумкин.

Мақсадлилиқ тамойили шуни англатадики, олинган ҳар бир кредит талабномасида кўрсатилган ва шартнома келишилган мақсадларга ишлатилиши шарт. Мақсадли ишлатиш тамойилини хусусияти шундаки,

биринчидан банк кредит олишдан олдин кредит объектини тўлиқ таҳлил қилади ва кредит объектини ликвидлилиги ёки ишлаб чиқариш бўлса, уни келажакдаги ҳолати таҳлил қилингандан сўнг кредит бериш лозим деб топилса кейингина текширилган мақсадга берилади. Бу ҳолат кредит қайтмаслиги таваккалчилигини олдини олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, регионга нисбатан таҳлил қилинади. Ушбу мақсадли кредит фойдаланиш қайси соҳани ривожлантиради, регионда ушбу турдаги маҳсулот чиқариладими деган саволларга жавоб изланади. Натижада регионни ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Агар кредит олувчи олинган кредитни бошқа мақсадга ишлатса, у ҳолда кредитни принципи бузилиб, қайтиш таваккалчилиги ортади, яъни банк учун ноаниқ, таҳлил қилинмаган мақсадни натижаси салбий ҳолатлар келтириб чиқариши мумкин.

Кредит жараёнини ташкил этишда доимо эътиборга олиниши зарур бўлган бир қатор йўналишлар ишлаб чиқилган:

Биринчидан, ҳар бир банк мижозни талаб ва мақсадларини тўлиқ таҳлил қилиб, уни қондиришга эътибор бериши керак.

Иккинчидан, банк кредит жараёнини ташкил этишда кредитни мақсади, тури ёки таъминланишига таъллуқли бўлган масалаларни аниқлаши керак;

Учинчидан банк кредит операциясида қатнашувчи мутахассисларини амал қилишлари лозим бўлган ҳалоллик, тартиблилик каби маънавий қадриятларни ҳам аниқлаши зарур.

Кредитлашнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуддир:

1. Кредит линияси очиш йули билан кредитлаш. Кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш алоҳида ҳисоб варақ орқали олинади. Келиши олинган кредит суммаси доирасида амалга оширилади. Кредит линиясининг ҳисобидан қарздорларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган. Товар моддий бойликларни бажарилган ишлар кўрсатилган хизматлар бўйича пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўлови амалга оширилади.

2. Кредит линияси очмасдан алоҳида ссуда ҳисоб рақамидан

кредитлаш. Кредит линияси очмасдан алоҳида ссуда ҳисоб рақамидан кредитлаш, тижорат банклари хўжалик субъектларини «Кредит линиясини очиб» ёки «Кредит линияси очмасдан» кредитлаш мумкин. Бу кредитлар қуйидаги мақсадларга берилади, товар моддий бойликлар бажарилган ёки кўрсатилган хизматларнинг, пул ҳисоб-китоб ҳужжатларни тўлаш учун, муддати 30 кундан ошмаган даврга қарздорнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган аккредитивлар очиш учун.

3. Овердрафт. Овердрафт бу контокоррент кредитининг махсус шакли ҳисобланади. Унинг алоҳида хусусияти шундаки банк мижозга унинг ҳисоб варағида қисқа давр ичида дебет, сальдоги эга бўлишга рухсат беради. Одатда овердрафтдан фойдаланиш жуда ишончли мижозларга тақдим этилади. Овердрафт қарздорликни сўндириш учун овердрафт ҳисоб варақга келиб тушаётган барча суммалар йўналтирилади, натижада кредитнинг ҳажми ҳажми келиб тушаётган маблағлар ҳажмига қараб ўзгариши мумкин. Овердрафтда қарздор ҳар ойнинг охирига овердрафт қолдиғи бўйича кредит сальдосининг таъминланиши керак. Агар мижознинг шу банкда депозит счёти бўлса, ундаги маблағлар доирасида доимий дебет сальдога эга бўлишига рухсат берилади. Аксинча, бўлса маблағлар бериш у тўла сўндирилгунга қадар тўхтатилади.

4. Контокоррент. Контокоррент счёти очилганда мижознинг бошқа счётлари ёпилади. Контокоррент ҳисоб варақлар дебет қолдиғи бўйича мижоз банкка шартномада келишилган ставка бўйича фоизлар тўлайди. Контокоррент ҳисоб варағининг амал қилиш муддати 12 ойдан ошмаслиги керак. Муддат тугаши билан мижоз кредит сальдосини таъминлаш керак. Акс ҳолда муддат тугагач уни тўла сўндирилгунга қадар кредит бериш тўхтатилади.

5. Факторинг;

6. Форфейтинг;

7. Лизинг;

Ўзбекистон Республикасида кредит бериш Ўзбекистон Республикаси

“Фукаролик кодекси”, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун асосида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари, жумладан, 1999 йил 20 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тўғрисида” 776 - сонли Низом, 2000 йил 29 июндаги “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 941 - сонли Низом, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 953 - сонли Низом, 2001 йил 3 октябрдаги “Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги 1074 - сонли ҳамда 2002 йил 3 июндаги “Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида” 1146 - сонли Низомлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш сиёсати иқтисодий барча тармоқлари қатори банк тизимида ҳам кенг кўламда амалга оширилмоқда. 2000 йил 1 апрелдан бошлаб тижорат банклари узоқ муддатли, қисқа муддатли кредитлар бериш; истеъмол кредитлари ва кредитнинг бошқа турларини бериш тартибларини ўзларини шарт - шароитидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш ҳуқуқини олдилар.

Кредитлаш жараёнини ташкил этиш, корхона ва ташкилотларни молиявий аҳволини таҳлил қилиш каби масалаларни тўғри амалга ошириш кредит рискин олдини олишга, ҳамда банк кредит портфелини сифатини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу кредит сиёсати элементларини тўғри ташкил қилинганлигини ижобий натижаси ҳисобланади.

Мавжуд меъёрий ҳужжатларга асосан қисқа муддатли кредитлаш

жараёнини ташкил этиш ва зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш, яъни кредит пакетини шакллантириш тартиби қуйидаги босқичларга бўлинади:

а) Кредит олиш учун аризаларни кўриб чиқиш ва бўлғуси қарз олувчи билан суҳбатлашиш;

б) Қарз олувчининг кредитни олиш қобиллигини ва ссудани бериш билан боғлиқ хатарни баҳолаш;

с) Кредит нархини(фоизини) белгилаш;

д) Кредит шартномасини тайёрлаш ва уни тузиш;

“а” босқични амалга ошириш давомида кредит олувчи ўзининг молиявий, ишлаб чиқариш ва тижорат имкониятларини таҳлил этиши ва банкка кредит аризаси, кредит олиш илтимосномаси ва пул оқимлари кўрсатилган жорий давр учун бизнес режани такдим этиши керак. Мижоз томонидан такдим этиладиган кредит аризаси, кредит олиш илтимосномаси ва бизнес режа ўз ичига қуйидаги таҳлил маълумотларини ва натижаларини олиши керак: ўз маҳсулотини сотиш бозори (талаб ва таклифни ўрганиш); кредитни объекти ҳисобланган товар моддий бойликларни етказиб бериш учун шартномаларни, ишлаб чиқариш харажатлари ёки хизматларни ва уларни сотишни таъминлаш; кредит йўналтириладиган тадбирларни самарадорлигини аниқлаш; пул маблағларини қарз олувчинининг ҳисобварағига келиб тушишининг давомийлиги; кредит учун келажакдаги харажатлар ва уни давомийлиги; кредит ва кредит фоизларини узишни манбалари; ўтган даврдаги молиявий ҳолатни нисбий таҳлили; келажакдаги молиявий кўрсаткичлар таҳлили; дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг аниқлаштирилган бани; 90 кундан ортиқ муддатга қарздорликни солиштириш далолатномаси.

Шу билан биргаликда юқоридагилардан ташқари банк ва мижоз ўртасида ишчи гуруҳ баёни расмийлаштирилади.

“б” босқични амалга ошириш учун мижоз банкка ўз сармояси билан бошқа корхоналар ташкил этишда иштирок этганлиги ҳақидаги маълумотларни, маҳаллий давлат солиқ инспекцияси томонидан

тасдиқланган сўнгги ҳисобот даври учун бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи ва пул оқимлари ҳаракати ҳақида ҳисоботларни тақдим этади. Банк ушбу ҳисоботлардан фойдаланган ҳолда мижознинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил этади.

Кредитга лаёқатлилиқ хўжалиқ юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини ҳолати ҳамда кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш даражасидир.

Хўжалиқ юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги бир қатор кўрсаткичлар билан ўлчанади. Кўрсаткичлар сони чекланмайди ва ҳар бир тижорат банки томонидан хизмат кўрсатилувчи мижозлар фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб мустақил равишда белгиланади.

Кредитга лаёқатлилиқни баҳолашни асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: қоплаш, ликвидлиқ ва ўз маблағлари билан таъминланганлиқ (мустақиллиқ) коэффицентлари.

Балансни қоплаш коэффиценти қисқа муддатли ликвид маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати сифатида ҳисобланади. У қуйидаги тарзда аниқланади:

$$1. KK = LM/K_{max},$$

Бу ерда KK - қоплаш коэффиценти;

LM - қисқа муддатли ликвид маблағлар;

K_{max} - қисқа муддатли мажбуриятлар;

$$2. \text{Ликвидлиқ коэффиценти (ЛК)}$$

$$LK = (PM + OAT)/K_{max}$$

Бу ерда PM - Пул маблағлари;

OAT - осон амалга ошириладиган талаблар;

K_{max} - қисқа муддатли мажбуриятлар;

3. Хўжалиқ юритувчи субъектларнинг ўз манбалари билан таъминланганлиги (мустақиллиқ коэффиценти) корхона баланси пасивининг умумий якунида ўз манбаларини ҳиссасини ҳисоблаш йўли

билан баҳоланади ва корхонанинг маблағларини қарз маблағларидан мустақиллигини ифодалайди. Мустақиллик коэффициенти қуйидаги формула билан аниқланади:

$$MK = UM/БП$$

Бу ерда, MK - мустақиллик коэффициенти; UM - ўз манбалари;

$БП$ - ўз манбалари баланси пассиви (320+340+350+360-сатрлар)

Корхонани ўз манбалари билан таъминланганлик фоизи 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Оборот маблағлари айланувчанлиги юқори бўлганда ва хўжалик органи фаолиятининг турига боғлиқ ҳолда ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиладиган даражаси бир қадар паст бўлиши мумкин.

Агар ушбу коэффициент 0,6 дан, яъни 60 фоиздан юқори бўлса кредит хатари энг кам деб ҳисобланади. Ўз оборот маблағлари мавжудлиги динамикаси, тўловсизликларнинг ва оборот маблағлар айланувчанлигининг фойда келтириши кредитга лаёқатлиликини қўшимча кўрсаткичлари сифатида юритилади.

4. Ўз оборот маблағлари мавжудлиги. $УОМБ = УММ-AB$

$УММ$ - ўз маблағлари манбалари (390-сатр)

AB -асосий воситалар ва оборотдан ташқари маблағлар (110сатр,400,410);

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва оборотдан ташқари активлари ўз маблағлари манбаларидан ошиб кетган ҳолатларда ноликвид баланс ҳосил бўлади. Ноликвид балансларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар банк кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

5. Хўжалик юритувчи субъектлар оборот маблағларининг айланувчанлиги икки кўрсаткич мавжуд:

- оборот маблағлари айланувчанлиги;
- оборот маблағларининг кунлардаги айланувчанлиги коэффициенти билан аниқланади.

6. Оборот маблағлари айланувчанлиги коэффициенти оборот маблағлари

ҳаракатининг тезлигини таърифлайди ва таҳлил қилинаётган давр учун маҳсулот сотишдан олинган тушум ва оборот маблағларининг ўртача қиймати ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

$$1. \text{ а) } Айл. K = C/УК$$

Бу ерда:

Айл. K - айланувчилик коэффиценти;

C - маҳсулотни сотиш ҳажми;

УК - оборот маблағларининг ўртача хронологик қолдиғи;

б) Оборот маблағларининг кунлардаги айланувчанлиги:

$$AK = UK * K / C$$

Бу ерда:

K - таҳлил қиланаётган даврдаги кунлар;

C - маҳсулотни сотиш ҳажми;

УК - оборот маблағларининг ўртача хронологик қолдиғи;

4-жадвал.

Мижознинг кредитга қобиллиги асосий кўрсаткичларининг талаблари.⁶

№	Кўрсаткич номи	1 даража	2 даража	3 даража
1	Қоплаш Коэффиценти	$K_k \geq 2.0$	$2.0 > K_k \geq 1.0$	$1.0 > K_k > 0.5$
2	Ликвидлик Коэффиценти	$K_l \geq 1.5$	$1.5 > K_l \geq 1.0$	$1.0 > K_l > 0.5$
3	Мустақиллик Коэффиценти	$K_m \geq 60\%$	$60\% > K_m \geq 30\%$	$30\% > K_m > 15\%$

Биринчи тоифага тааллуқли корхоналар умумий тарзда кредитланади. Уларга кредит беришнинг имтиёзли тартиби ҳам назарда тутилиши мумкин, яъни ишонч кредити берилиши, қўшимча маълумотлар ва ҳисоб китобларсиз

⁶ Ш.З.Абдуллева «Банк иши» - Тошкент. 2003 й. 190 бет.

кредит ва бошқа имтиёзлар берилиши мумкин.

Иккинчи тоифага киритилган корхоналар умумий асосда кредитланади ва агар мусбат қўшимча кўрсаткичлар мавжуд бўлса, имтиёзлар ҳам берилиши мумкин (ишонч кредити тақдим этилишидан ташқари).

Лекин, иккинчи даражага киритилган хўжалик органи манфий қўшимча кўрсаткичларга эга бўлса, уни қарорсиз деб ҳисоблаш лозим, бундай хўжалик органлари билан шартномалар тузилганда унинг фаолияти ва кредитнинг қайтарилишида назоратнинг қўшимча чоралари назарда тутилиши керак.

Хусусан, гаров ҳуқуқи қаттиқлаштирилиши, фоиз ставкалари оширилиши, кафолатлар берилиши, ҳамда ссудалардан фойдаланиш миқдорлари ва муддатлари чекланиши керак.

Учинчи даражага киритилган корхоналар фақат фавқулотда ҳолларда, юқори ташкилот кафолати ёки оширилган фоиз ставкасини ундириш билан мол - мулк гаровга қўйилгандагина кредитга қобил деб ҳисобланади ва кредитланади.

“с” босқични амалга оширишда банк миқдори талаби доирасида, ресурсларни қиймати доирасида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш доирасини инобатга олган ҳолда белгилайди.

“d” босқични банк “a” ва “b” босқич натижасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширади, яъни кредит мутахассиси миқдори ҳар томонлама тўлиқ таҳлил қилгандан сўнг кредитга лаёқатлилиқ даражасидан келиб чиқиб кредит бериш тўғрисида ёки бермаслик тўғрисида ўз хулосасини беради.

Кредит мутахассиси хулосаси кредит қўмитасига тақдим этилади ва кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида кредит қўмитасининг қарори қабул қилинади.

Шундан кейин банк бошқарувчиси ва миқдор ўртасида кредит шартномаси имзоланади. Кредит шартномасида шартнома тузилган йил ва сана, кредитни мақсади, қайтариш муддати, кредит фоизи, томонлар мажбуриятлари кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини эркинлаштириш

шароитида банк кредитларини асосий молиялаштириш манбаи даражасига кўтариш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Кредитлаш - банк ишининг ўзаги бўлиб, унинг сифатига қараб банкнинг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бунда асосан, кредитларни бошқариш жараёнининг асосий аҳамият касб этишига сабаб шуки, унинг сифати банк ишининг самарадорлигига боғлиқдир.

Кредитнинг сифати кредитлаш жараёнини бошқаришга боғлиқ бўлиб, куйидаги асосий элементлардан ташкил топади:

- тижорат банкида мукаммал ишлаб чиқилган кредит сиёсати ва кредитлаш жараёнининг мавжудлиги;
- кредит портфелини оптимал бошқаришнинг йўлга қўйилганлиги;
- кредитларни мунтазам назорат қилишнинг ташкил қилинганлиги;
- банк тизимида ишлайдиган ходимларнинг тайёргарлик даражаси.

Кредит операциялари бўйича чекловларни тўғри жорий қилиш керак.

Чекловлар асосан кредит рискинни камайтириш мақсадида қўлланилади.

Баҳолаш тизимидан кўринадики, банкнинг тавсифланган активлари капиталнинг 5 фоизидан ошмаса, бу банкнинг молиявий ҳолати барқарор ҳисобланади. Активлар суммасини ҳисоблаш учун берилган кредитлар ҳалқаро стандартларга мувофиқ 3 турга бўлинади:

5-жадвал.

Кредитларни таснифлаш тизими.⁷

Тавсифлаш мезони	Риск даражаси
Субстандарт кредитлар	20 %
Шубҳали кредитлар	50 %
Умидсиз кредитлар	100 %

Барча субстандарт кредитлар суммаси 0,2 га (20%), шубҳали кредитлар суммаси 0,5 га (50%), умидсиз кредитлар суммасини 1 га кўпайтириб,

⁷ Д.Мак Нотон. Крис Дж.Барлтрон. Банковские учреждения в развивающихся странах. ИЗР Всемирного банка.- Вашингтон Д.С.- 2001г.-с.73.

уларнинг умумий суммасини аниқлаймиз. Олинган натижа тавсифланган активлар қиймати деб аталади.

Кредит операцияларининг рискка учраши даражасининг максимал миқдори бўйича ҳам алоҳида кўрсаткич мавжуд. Бу кўрсаткич қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Кредитлашнинг максимал миқдори} = \frac{\text{кредитлар}}{\text{муддатли ва жамғарма депозитлар}} * 100\%$$

Ушбу кўрсаткичнинг максимал даражаси 75-80% дан ошмаслиги зарур. Агар 75-80% дан ошса, банк юқори рискли кредит операцияларининг кескин ошганлиги туфайли банк фаолиятида юзага келадиган рискларни бошқариш учун зарур бўлган ликвидли маблағларга эга бўлмайди.

Кредит рискин баҳолашнинг беш мезони қуйидагилардан иборат:

1. Қарздорнинг шахсий сифатлари. Унинг ўз мажбуриятларини бажаришга бўлган ҳоҳиш иродаси. Бу жараёнда шахсан суҳбат, қарздор кредиторларни, мижозларни ва унга мол етказиб берувчиларни ўрганиш зарурдир.

2. Имкониятлари. Қарздорнинг ўз фаолиятидан пул маблағларини ола билиш имконияти (ўз фаолияти давомида қанча пул тушумига эга бўлганлиги) ва қарздорнинг пул маблағларини қанчалик усталик билан бошқариши.

3. Қарздор капитали. Бу капиталнинг лойиҳада ишлатилишига қарз олувчининг қарори. Қарз олувчи корхона банк билан лойиҳа рискин бўлиб олиш даражасида бўлиши лозим, яъни қарз олувчи ўзини мажбуриятлар билан боғлаши керак.

4. Шарт шароитлар. Умуммиллий, регионал ва маҳаллий иқтисодиётнинг аҳволи ва унинг шарҳи. Ҳар хил тармоқлар учун иқтисодий шароитлар ва прогнозларнинг турли бўлиши, ишлаб чиқариш ривожланишининг ҳар хил босқичида кредит мезонларини тез - тез

ўзгартириб туришини талаб қилади.

5. Гаров. Кредитнинг гаров шакли ёки кафолат хати билан ишончли таъминланганлиги бошқа мезондаги заифликларни айланиб ўтишга ёрдам бериши мумкин.

Бу ҳолда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш зарур: гаров сифати, унинг эскириши; ликвидлик даражаси, инфляциядан ҳимоя қилиниши; мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, гаровни ундириб олишни қонунан осонлиги; гаровнинг бозор баҳоси ва кредит миқдори ўртасидаги мумкин бўлган нисбатнинг қандай бўлиши; қанча даврда унинг қайта кўриб чиқилиши кераклиги; бозорда сотилиши.

Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири – муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари таркибидаги салмоғини ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган мўътадил даражаси 3 фоизни ташкил қилиб, энг юқори чегаравий даражаси эса, 5 фоиздан ошмаслиги лозим. Агар ушбу кўрсаткичнинг даражаси 3 фоиздан ошса, бу ҳолат банкнинг кредит портфели сифат даражасини ёмонлаша бошлаганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, кредитлардан олинadиган фоизли даромадларнинг камайишига олиб келишини аңлатади. Ш.Абдуллаева муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ошиши – кредит rischi даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири дея ҳисоблайди. Кредитлар бўйича шаклланган захиралар кредит riskларининг амортизатори вазифасини бажарса-да, банкнинг тўлов қобилиятига тўғридан-тўғри хавф солади. Кредитларнинг юқори riskлилиқ даражаси банкнинг ўз маблағлари маълум қисми йўқотилишига олиб келиши мумкин⁸.

Фикримизча, муддати ўтган кредитлар ва кредит riskига қарши ҳосил қилинган захиралар тўғрисидаги мазкур фикр республикамиз банк амалиётидаги реал воқеликни ўзида мужассам эттирган.

⁸ Абдуллаева Ш.З. Банк riskлари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002. -Б. 137-138.

Муддати ўтган ссудаларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш соф кредитлар кўрсаткичидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бизга маълумки, соф кредитлар деганда «брутто» кредитларнинг захира ажратмалари суммасига камайтирилган қисми тушунилади. Соф кредитлар ҳақиқатда ҳаракатда бўлган, яъни фоиз келтираётган кредитларнинг миқдорини кўрсатади. Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори эса, ишламаётган, яъни ҳаракатда бўлмаган кредитлар миқдорини билдиради.

6-жадвал

Тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар салмоғини ўзгариш динамикаси⁹

№	Кўрсаткичлар	01.01.2011	01.01.2012	01.01.2013
1	Кредитлар – жами (млн.сўм)	6954423	9916915	13344487
2	Муддати ўтган кредитлар (млрд. сўм)	352722	1046061	257317
3	Муддати ўтган кредитларнинг жами активларга нисбатан улуши (%да)	2,50	5,40	0,99
4	Муддати ўтган кредитларнинг жами кредитларга нисбатан улуши (%да)	5,07	10,52	1,93

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2010-2012 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари муддати ўтган кредитларининг кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган. Жами кредитларга нисбатан муддати ўтган кредитларнинг салмоғи жуда

⁹ Аналитический обзор банковского сектора Узбекистана по итогам 2012 года.

кескин тарзда камайиб кетган яъни 2011 йилда 10,52 фоизни ташкил қилган бўлса 2012 йилда 1,93 фоизни ташкил этиб 8,59 фоизли пунктга камайган. Ушбу ҳолат ижобий бўлиб банкларнинг бераётган кредитларининг ўз вақтида қайтаётганидан ва бу ўз навбатида тижорат банкларининг кредитлаш потенциаллини янада ошишига олиб келади.

Кредитлаш жараёнини ташкил этиш, корхона ва ташкилотларни молиявий аҳволини таҳлил қилиш каби масалаларни тўғри амалга ошириш кредит рискинни олдини олишга, ҳамда банк кредит портфелини сифатини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу кредит сиёсати элементларини тўғри ташкил қилинганлигини ижобий натижаси ҳисобланади.

Кредит портфели бўйича оқилона тарзда чекловлар жорий қилиш банкнинг кредит рискинни камайтиришнинг саналган усулларида бири ҳисобланади. Ушбу чекловлар кредитларни маълум тармоқларда ва маълум субъектлар қўлида тўпланиб қолишини олдини олиши лозим. Бизнинг фикримизча, ушбу чекловларни жорий қилиш юзасидан Буз-Аллен Гамильтон томонидан илгари сурилган тартиб бир қатор йирик тижорат банклари кредит портфелини таҳлил қилиш натижаларига асосланганлиги туфайли катта амалий аҳамиятга эгадир.

7-жадвал.

Кредит портфели бўйича чекловларни банк капитали захиралар суммасига нисбати.¹⁰

№	Кредитлаш соҳаси	Чеклов миқдори
1.	Бир компания учун	10-20%
2	Бир гуруҳ компаниялар учун	25-50%
3	Саноатнинг биргина тармоғи учун	50-100%
4	Ўзаро боғлиқ тармоқ учун	200-500%
5	Бозор сегменти	1000-1500%
6	Узоқ муддатли кредитлар	500-600%

¹⁰ Буз-Аллен Гамильтон. Вашингтон Д.С, 2001 й.

Демак, қуйидаги жадвалдан шу нарсa кўринадики кредит бераётган банк бир компания учун ўз капиталининг 10-20 %дан ортиқ кредит бермаслиги керак. Бир гуруҳ компаниялар учун эса ўз капиталининг 25-50%дан ортиқ кредит бермаслиги керак.

Саноатнинг бир тармоғида фаолият олиб бораётган корхона ва компанияларга капиталнинг 50-100 %дан ортиқ кредит берилса, банк ўз кредит портфелини риск (ҳавф) остига қўйган бўлади. Худди шундай ўзарo боғлиқ тармоқда фаолият олиб борилаётган корхоналарга ва компанияларга капиталнинг 2 ёки 5 баробаридан ортиқ кредит берилмаслиги лозим.

Бозор сегменти деганда корхоналар, ҳукумат, аҳоли кабилар тушунилиши керак. Бозор сегментига бериладиган кредитлар капиталнинг 10 ёки 15 баробаридан ошмаслиги керак.

Биз биламизки узoқ муддатли кредитлар банкнинг секин даромад келтирувчи активларидан бири ҳисобланади ва ҳавф даражаси ҳам юқори. Шунинг учун узoқ муддатли кредитлар капиталнинг 5 ёки 6 баробаридан ошмаслиги керак.

Иккинчи бoб бўйича хулоса шундан иборатки, тадқиқот ишида тижорат банкларида кредит операциялари ҳисобини тўғри юритилиши таҳлил қилинди, тижорат банклари кредит портфели, уни аудит қилиш тартиби, кредит операцияларини аудитдан ўтказиш тартиби ва жараёнлари таҳлил қилинди ҳамда улар бўйича хулосалар шакллантирилди.

III. БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тижорат банклари кредит фаолиятини аудитдан ўтказишдаги муаммоларни қуйидагича ёритиб бериш мумкин:

1. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлашда муаммолар мавжуддир. Кредит сиёсати пастдан юқорига қараб тузилиши керак. Аввал туман, кейин вилоят банкларида кредит сиёсати лойиҳалари тузилади ва республика банкларига берилади ҳамда Банк Кенгашида кўриб чиқилгандан сўнг тасдиқланади. Тасдиқланган кредит сиёсати банкларга туширилади. Аммо бизнинг банкларимиз амалиётида туман, вилоят банкларидан лойиҳалар олинмасдан, республика банкларида ўтган йил натижаларига кўра кредит сиёсати тузилади.

2. Кредитни мониторинг қилишда бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, кредитлар бўйича захиралар ажратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яхши кредитларга заҳира ажратмаслик оқибатида тижорат банкларининг қийин ва чорасиз аҳволга тушиши ҳоллари учрамоқда.

3. Бугунги кунда шаклланган ички аудит хизмати фаолияти Марказий банк йўриқномалари ва низом талабларига кўра олиб борилмоқда. Бироқ, кредит фаолиятини аудитдан ўтказишда норматив ва меъёрий ҳужжатларнинг кўплиги аудиторга қийинчиликларни олиб келмоқда. Аудит ўтказишда чалкашликлар рўй бериш ҳоллари кузатилмоқда. Банк аудитини халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун ҳозирги шароитда ҳаракатдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилмоқда.

4. Иқтисодий эркинлаштириш босқичида ички аудит назарияси банк тизимида амалиётдан ортда қолаётганлиги туфайли тижорат банкларида ички аудит хизмати олдида қўйилган вазифалар амалга оширилмаяпти. Республикамизда 1996 йилда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва аудит фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Аммо,

ички аудитни ташкил қилиш, унинг услубиёти ва ҳуқуқий жиҳатлари ушбу қонунда ўз аксини топмаган.

Банкларни кредит фаолиятини текшириш амалда шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда банкнинг ички инструктив материаллари ва низомлари ишлаб чиқилмаган. Буларга кредит бўлимининг низоми ва мансабдор шахсларни меъёрий ҳужжатлари, бурчларини тақсимооти ва кредит бериш тўғрисида кўрсатма, кредит қўмитасини қарори кабилар текширилишидир. Буларни борлиги банкларда кредит иши юритувчисини рационал ташкил қилишга ёрдам беради ва ходимларни ўз вазифаларига бўлган масъулиятини оширади. Кредит бериш учун шартномага ҳулоса ясашга ва ишлаб чиқиш жараёнида банклар томонидан ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий характердаги хатоларга йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолларда банкдан қабул қилинаётган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги ёки тўла расмийлаштирилмагани аниқланмоқда.

Асосан қарздорни ҳисобот даврига бўлган баланси, техник иқтисодий ҳулосалари, кредитни қайтиши учун қўшимча кафолатлар ва бошқа нарсалар етишмаслиги ҳолати учрамоқда. Юқори миқдордаги кредитларни беришда кредит ва ҳуқуқий бўлимлар томонидан ҳамма вақт ҳам ҳуқуқий ва иқтисодий асосдаги кредит мақсадлилиги тўғрисида ёзма ҳулосалар қилинмаяпти. Кредит олиш учун берилаётган ҳужжатлар баланс, техник иқтисодий асослар, савдо-сотик бўйича шартномалар ҳар доим ҳам қарз олувчини ноаниқ муҳри ёки мансабдор шахсни имзосини йўқлигини аниқлашимиз мумкин. Кредит шартномаларига кўп ҳолларда банк ходимлари томонидан имзо қўйилмаганлиги, баъзи бир ҳолларда муҳр босилмаганлик ҳоллари аниқланмоқда. Кўп ҳолларда кредит шартномаларининг баъзи бирлари муддатли тўлов мажбурияти билан расмийлаштирилмайди. Қўшимча кафолатларга етарлича диққат билан қаралмайди.

Бошқа банк ёки корхонанинг кафолати асосида кредит беришда кафолат мажбуриятлари кафолат берувчини баланси чуқур таҳлил қилинмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бошқа банк корхоналарнинг

кафолатлари асосида кредит беришда хатоларга йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолатларда катта миқдордаги кредитлар банкнинг пайчиларига берилади.

Булар асосан бир-бирига келишилган ҳолда кафолатлаб бериб, баъзи бир ҳолларда банкка ҳеч қандай ҳужжатлар бермайди. Натижада шу йўл билан берилган кредитлар бир неча марта пролангация, яъни муддати узайтирилади. Қарздорнинг гаров мажбуриятларини расмийлаштиришда керакли даражада диққат қаратилмаган. Шу нарсалар аниқланганки, ўзининг хусусий бўлмаган дала ҳовлисини деб гаровга қўйган ва шунга қарамасдан унга кредит ажратилган. Гаровга қўйиладиган маҳсулотни сертификати, нархи тўғрисидаги маълумот ва яна керакли бошқа суғурта ҳужжатлари етишмайди. Суғурта ҳужжатлари кераклича тўла бўлмаслиги ва нотўғри расмийлаштирилиши кўп учрайди. Айрим ҳолларда суғурта бадалини қарз олувчи томонидан тўламаганлиги сабабли суғурта шартномаси юридик кучга эга бўлмайди ва натижада берилган кредит ҳақиқатдан суғурталанмаган бўлиб қолади. Кўп ҳолларда бундай кредитлар бир неча маротаба муддати узайтирилади ёки муддати ўтган ссудалар каторига киритилади.

Ҳозирги кунда суғурта компаниялари ўз мажбуриятлари устидан чиқа олмай, банкротлик даражасига ҳам боришмоқда. Бу эса банкнинг кредитларни қайтмаслик хатарини юқори даражадалигини кўрсатади.

Илмий тадқиқот натижасида аниқланган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш бир қатор жиддий тадбирларни амалга оширишни тақазо қилади:

Биринчидан, кредит сиёсатини пастдан юқорига қараб тузилиши керак. бу эса пировард натижада тижорат банклари кредит фаолиятини самарали ташкил қилишга олиб келади.

Иккинчидан, кредит фаолияти бўйича норматив ва меъёрий ҳужжатларни соддалаштириш ва баъзиларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаштириш керак. Ўзбекистонда тижорат банклари ички аудит тизими фаолияти “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қарор, низом ва аудиторлик стандартлари каби меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиб, улар

асосан ташқи аудиторлик фирмалари учун мўлжаллангандир. Бундай ҳолат ички аудитнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган стандартлардан келиб чиққан ҳолда, аудитнинг мавжуд ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, айнан ички аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, кредитлар бўйича захиралар ажратилганда яхши кредитларга ҳам кам миқдорда бўлсада захира ажратиш керак, яъни захирасиз кредитларнинг берилишига барҳам бериш лозим. Чунки “яхши кредитлар” деб таснифланган кредитлар ҳам муаммоли кредитларга айланиши тижорат банклари амалиётида кўп учрамоқда. Натижада банкка сезиларли муаммоларни олиб келишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган 242-сонли “Активлар сифатини таснифлаш, мумкин бўлган йўқотишлар бўйича тижорат банклари томонидан резервлар ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш қоидаси” га ўзгартиришлар киритиб такомиллаштириш даркор. Илмий тадқиқот ишимизнинг олдинги бобларидан бирида кредитларнинг сифати бўйича таснифи батафсил ёритилган бўлиб, бизнинг фикримизча, таснифланган гуруҳларни 5га эмас, балки 4 гуруҳга таснифлаш лозимдир.

Тўртинчида, тижорат банклари ички аудит хизмати ходимларининг малакасини халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам ошириб бориш зарур.

Бешинчидан, текширув жараёнини тўғри ташкил этиш учун ички аудиторлик стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни шакллантириш ички аудит фаолиятини етарли даражада баҳолаш имкониятини яратади. Иш самарадорлигини ошириш учун мазкур жараёнда ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш лозим.

Тижорат банклари томонидан хўжалик субъектларини қисқа муддатли кредитлаш жараёнида бир қанча кредит усуллари мавжуд бўлиб,

ривожланган мамлакатлар банк амалиётида истиқболли кредитлаш усулларидан кенг кўламда фойдаланиш йўлга қўйилгандир.

Республикамизда эса, мижозларнинг ҳар бир конкрет ҳолатида кредитга бўлган эҳтиёжини тўлароқ равишда қондириш имконини берадиган кредитлаш усулларидан фойдаланилмаётганлиги муаммоси ҳам кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга тўсиқ бўлмоқда.

Ҳозирги кун амалиётида тижорат банклари томонидан мижозларни кредитлаш асосан алоҳида ссуда ҳисоб варағи орқали амалга оширилмоқда. Хорижий валютада кредитлар асосан кредит линиялари очиш йўли билан олинмоқда.

Тижорат банклари томонидан хўжалик субъектларини кредитлашнинг халқаро банк амалиётида бир нечта усуллари мавжуд бўлиб, айтилиши вақтда республикамиз банк амалиётида кредитлашнинг контокоррент, овердрафт, форфейтинг, ломбард кредити каби асосий шаклларидан тўлақонли равишда фойдаланилмаяпти. Халқаро банк амалиётида қўлланилаётган ушбу кредитлаш шакллариининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар уларнинг афзаллигини белгилайди. Масалан, контокоррент кредити-банк мижози томонидан турли ҳажмда, лекин шартномада белгиланган энг кўп суммадан ошмайдиган ҳажмда фойдаланиши асосида очилиб, хўжалик учун ягона счёти ҳисобланади, яъни бу счёти очилиши билан мижознинг ҳисоб-китоб счёти ёпилади.

Контокоррент ҳисобрақами актив-пассив бўлиб, актив қолдиққа ҳам, пассив қолдиққа ҳам эга бўлиши мумкин. Мижозни асосий фаолиятидан келиб тушадиган барча маблағлар шу счётига йўналтирилади. Агарда келиб тушган маблағ корхонанинг қарзидан юқори бўлса, кредит қолдиғи ҳосил бўлади ва аксинча эса дебет қолдиғи ҳосил бўлади.

Контокоррент ҳисобрақами бўйича дебетли қолдиқ мавжуд бўлса, корхона банкдан кредит олган деб ҳисобланади ва шартномада кўрсатилган миқдорда банкка фоиз тўланади. Агар аксинча бўлса, яъни кредит қолдиғи мавжуд бўлса, корхонанинг ўз маблағлари мавжуд ҳисобланади ва банк

корхона фойдасига фоииз тўлайди. Белгиланган муддат тугаши билан мижоз бу счётни кредит қолдиғини таъминлаши керак. Ҳар ойда контокорент ҳисобварағи қолдиғи бўйича сальдо таҳлил қилинади, яъни бунда маблағлар ҳисобварақ бўйича ҳаракатланиши, ой давомида дебет ва кредит оборотлари таҳлил қилиниб ҳисобга олиниши зарур. Агарда мижознинг молиявий аҳволи ижобий, ҳамда кредит қолдиғи дебет қолдиғидан кўпроқ бўлса, кредит бўлими ходими контокорент ҳисобварағидан яна фойдаланиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қабул қилади. Кредит шартномаси шартларини доимий бажариб, молиявий жиҳатдан барқарорликни сақлаб қолган мижозлар учун контокорент ҳисобварағи бўйича кредит унинг ёзма илтимосномаси асосида, олдинги белгиланган лимит доирасида қайта тикланиши мумкин.

Қарз олувчи молиявий кўрсаткичларни бузган, уни тўловга лаёқатлиги ёмонлашган ҳамда молиявий ҳолати яхшиланиши эҳтимолидан узоқ бўлган ҳолларда кредит қўмитаси томонидан мижозни контокоррент ҳисобварағи бўйича кредитлашни тўхтатиш ва илгари берилган кредитни шартномада кўзда тутилган тартибда ундириб олиш масаласи кўриб чиқилади.

Кўп мақсадли кредитнинг яна бир шакли овердрафтдир. Овердрафт ҳисобварағи ҳам контокоррент ҳисобварағининг махсус тури бўлиб, молиявий жиҳатдан барқарор бўлган мижозлар учун қўлланиши мумкин.

Овердрафт тушунчаси инглиз тилидан олинган бўлиб, қисқа муддатли кредитлаш шакли ҳисобланади. Бунда кредит мижознинг жорий ҳисобрақамининг дебетли қолдиғига берилади. Ушбу ҳисобварақанинг контокоррент ҳисобварағидан фарқи шундаки, бу ҳисобварақ бўйича маълум муддатга дебет қолдиғи ҳосил бўлишига рухсат этилади. Лекин ҳар ой охирида қодиқнинг кредитли сальдосига эга бўлиши қатъий талаб этилади.

Овердрафт усулида кредитлаш, унга бўлган объектив талабнинг юзага келиши натижасида пайдо бўлади. Бинобарин, овердрафт кредити мижозга кам харажат қилиб фаолиятининг давомийлигини маълум миқдордаги кредит ҳисобидан таъминлаш имконини беради. Ҳолбуки, овердрафт усулида кредитлаш мавжуд бўлмаганда мижоз муддатли кредит олган бўлар эди ва

унинг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжи олган кредит суммаси билан ўзаро мувофиқ келмас эди. Бошқа томондан, банклар овердрафт кредити бериш орқали юқори даромад манбаига эга бўладилар. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, овердрафт кредитларининг фоиз ставкаси оддий кредитларнинг бозор ставкасига нисбатан юқоридир, чунки, овердрафт кредитида риск даражаси юқори бўлганлиги учун фоиз ставкаси ҳам юқори белгиланади; иккинчидан, тижорат банклари овердрафт кредитларини молиявий жиҳатдан барқарор бўлган ишончли мижозларга берадилар. Масалан, овердрафт кредитлаш молиявий жиҳатдан барқарор бўлган корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлилигини таъминлашга хизмат қилади ва уларда чиқимни камайтириш имконини беради. Чунки, овердрафт усулида кредитлашда кредитга фоиз фақат ишлатилган муддат учун тўланади.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида овердрафт бўйича кредитлаш юксак даражада тараққий этган давлат Англия ҳисобланади. Таниқли иқтисодчи олимлар – Крис Барлтроп ва Диана МакНотонларнинг илмий изланишлари натижалари шуни кўрсатадики, Англия ва Францияда, шунингдек, бу давлатлар банк тизимларининг фаолиятини ўзлаштирган ва уларнинг бой тажрибасидан кенг қўламли фойдаланаётган давлатларда овердрафт кредитлашнинг асосий шакли даражасига кўтарилган¹¹.

Кўпчилик ривожланаётган давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг банк амалиётида овердрафт усулида кредитлаш ривож топмаган. Бу эса, табиийки, кредитлашнинг ушбу шакли бўйича амалий тажрибани етарли эмаслиги ҳамда уларни қўллашда маълум тўсиқларни мавжудлигидан далолат беради.

Республикамыз банк амалиётида овердрафт ва контокоррент кредитлаш шаклларида фойдаланишни йўлга қўйиш учун, фикримизча, тўловлар

¹¹ К.Барлтроп, Д.МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. - Вашингтон. Д.С., ИЭР ВБ, 1993. – с.26

кетма-кетлигини ўзгартириш лозим. Ҳозирги кунда қўлланилаётган мақсадли кетма-кетлик тижорат банклари томонидан берилган овердрафт ва контокоррент кредитларини ўз вақтида қайтариш имконини бермайди. Бунинг учун тўловларнинг календар кетма-кетлигига ўтиш лозим.

Тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигида мижозларнинг Давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини тўлашга устуворлик берилади. Бу эса, банк кредитларини қоплаш имкониятини пасайтиради. Айрим ҳолларда, солиқ хизмати томонидан солиқдан қарзи бўлмаган мижозларга нисбатан инкассо топширикномаси қўйиш ҳоллари мавжуд. Бунинг натижасида тижорат банклари кредитларини қоплаш учун зарур бўлган пул оқимининг миқдори янада камаяди.

Форфейтингда мижоз товарларни вексель асосида сотиб олиш имконига эга бўлади ва бу ҳолат унинг чиқимларини камайитириш имконини беради. Чунки, векселларга тўланадиган фоиз одатда банк кредитлари фоиз ставкасидан паст бўлади. Ўз навбатида товар сотувчининг банки ҳам сезиларли даромад манбаига эга бўлади. Чунки у векселларни ўзининг дисконт ставкалари бўйича қабул қилади ва товар сотувчи ҳам икки қулай имкониятга эга бўлади: биринчидан, товар товарларни ўз вақтида сотади, иккинчидан, ўзининг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондиради.

Форфейтинг французча “*a forfe*” деган сўздан олинган бўлиб, улгуржи деган маънони англатади. Республикамиз банк амалиётида кредитлашнинг форфейтинг шаклини жорий қилиш учун биринчи навбатда тижорат векселлари муомаласини жорий қилиш лозим.

Қисқа муддатли кредит беришнинг шаклларида яна бири – бу қимматли қоғозларни гаровга олиб кредит бериш (ломбард кредити)дир. Ломбард кредитини беришда таъминланганлик сифатида: давлатнинг қимматли қоғозлари, бошқа эмитентларнинг акциялари, облигациялари, вексел ва депозит сертификатлари қабул қилиниши мумкин.

Ломбард кредитининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, гаров шартномаси тузилган кундаги номинал қиймат бўйича эмас, балки гаров

сотилаётган вақтда юзага келадиган курс рисклари муносабати билан унинг муайян қисми учун баҳоланади. Шу боис, қимматли қоғозларни гаровга олиб ломбард кредити бериш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда банк қарз олувчининг молиявий аҳволи ва кредит қобилиятини таҳлил қилиш билан бир вақтда кредит таъминоти тарзида қабул қилинадиган қимматли қоғозлар сифатида, уларнинг курс rischi даражасини баҳолашга алоҳида эътибор бериш зарурдир.

Банк кредитлаш давомида фонд биржасида ўтказилган савдо натижаларига кўра гаровга қўйилган қимматли қоғозлар қиймати пасайган бўлса, у ҳолда кредит қўмитасини қарорига мувофиқ қарз олувчига шу суммага қўшимча таъминот бериш талаби билдирилиши ёки шу кредит миқдори муддатидан олдин қайтариб олиниши мумкин.

Ломбард кредити бўйича барча мажбуриятлар бажарилганидан кейингина гаровга қўйилган қимматли қоғозлар ва улар бўйича олинган даромадлар қарз олувчига қайтарилади. Агарда ломбард кредити белгиланган муддатда қайтарилмаса банк имтиёзли ой тугагандан сўнг гаров тўғрисидаги амалдаги қонунга мувофиқ ўз гаров ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Ҳозирги кундаги Ўзбекистондаги тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган кредитлаш амалиёти жорий ҳолатининг таҳлили ечимини кутаётган анчагина муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда. Биз, назарий ва амалий маълумотларнинг таҳлили натижасида банкларнинг кредитлаш амалиётига ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар банклари томонидан қўлланилаётган кредитлашнинг ноанъанавий усулларида фойдаланишни таклиф қилмоқчимиз. Кредитлаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларни ечимининг айрим йўллари тўғрисидаги ўзимизнинг фикрларимизни илмий изланишнинг хулоса қисмида баён этдик.

Умуман олганда, кредитлаш шаклларида комплекс фойдаланиш қисқа муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолиши зарур. Мазкур йўналиш хўжалик

юритувчи субъектларнинг қисқа муддатли банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади.

Кредит ҳисоб-китоб операциялари текширилаётган хўжалик органларида ссуда қарздорлиги банк маълумотларига мос келиши балансларда тўғри акс эттирилгани, кредитлаш объектлари бўйича ҳисоби тўғри юритилиши танлаб аниқланади, фарқ чиққанида унинг сабабларини топиб, банк муассасаларига шу камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш вазифаси топширилади.

Ҳисоб-китоб операцияларини текширишдан мақсад уларни ташкил атишда камчиликлар бор-йўқлигини, шунингдек банк муассасалари Ўзбекистан Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш қоидаларига риоя қилаётганларини аниқлашдан иборат. Бунда корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг ҳисобварақларидан тўловлар ўтказишнинг қонунларда белгиланган навбатига риоя этилишига эътибор қаратилади.

Ҳисоб-китоб операцияларини текшириш жараёнида қуйидагиларни кўриб чиқиш керак: банк муассасаларининг дебеторлик ва кредиторлик қарзи таркибини таҳлил қилишга доир ишини кўриб чиқиш. Бунда банк муассасалари товарлар ва хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлаш кўринишида буюртмачилардан мунтазам суратда маблағ олиб турувчи корхоналарда кредиторлик қарзини, ҳамда олдиндан ҳақ тўловчи корхоналарда дебеторлик қарзининг аҳволини таҳлил қилишлари шарт эканлигидан келиб чиқиш зарур; банк муассасалари ўтказадиган текширишларнинг сифатини ҳисоб-китоб масалалари бўйича бевосита хўжалик органига бориб кўриб чиқиш.

Юқорида қайд қилинганларни аудит қилиш жараёнида Бош бошқарма томонидан тижорат банкларига берилган марказлашган кредитларни аудит қилишда Марказий банкнинг 1996 йил 18 майдаги 261-сонли йўриқнома ва ҳисоб-касса Марказлари томонидан ўз мижозларига берган қисқа муддатли кредитлар берилишини аудит қилишда 1996 йил 3 октябрдаги 260-сонли

йўриқномасида белгилаб қўйилган тартибларга риоя қилиншига ҳам этибор бериш лозим.

Муайян объектдан корхонага уни ишга тушириш учун ажратилган кредит тўғри берилгани ва ўз вақтида қайта расмийлаштирилгани текширилади. Бунда корхона ишга туширилганидан кейин иш бир меъёردа боришини таъминлаш учун зарур бўлган товар-моддий бойликларига мос равишда берилган кредит бўйича қарзнинг ишлаб тўрган корхонадан унинг учун ўз оборот маблағлари меъёрида белгиланган миқдorigа тенг қисмини, ҳисоб-китоб варағида маблағлари бўлмаган тақдирда эса корхонага кафиллик берган ташкилотдан ундириб олиш тўғрисидаги кўрсатмалар бажарилишига эътибор қаратилади.

Тижорат банклари ва улар томонидан хизмат кўрсатилаётган хўжалик субъектларига иш ҳақи учун ажратилган маблағлар харажатини аудит қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг иш ҳақига тегишли директив ҳужжатларининг жойларга етказилиши, бўлим иш режасига (чораклик, йиллик) мувофиқ текширилиши керак, бўлган тижорат банклари ва хўжалик субъектларини текширилиши, аниқланган хато ва камчиликлар бўйича эътироз хатларининг юборилиши, текшириш натижаларини банklar кенгашида кўриб чиқилганлигига қаратилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳар бир соҳа, тармоқ, каби банкларнинг ҳам ўз фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириб такомиллаштириб боришлари талаб қилинади. Банклар айниқса бу борада иқтисодиётнинг қон томири сифатида мавжуд иқтисодий муносабатларни, тўлов тизимини, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги пул муносабатларни тартибга солиб туради. Банклар ўз фаолиятларида кўпроқ четдан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан фаолиятларини юритишлари сабабли жамланган маблағларни самарали жойлаштиришни асосий мақсад сифатида қўядилар. Албатта маблағларни шу йўсинда жалб қилиш ва уларни ишлатиш борасида катта рисклар мавжуд. Республикамиз тижорат банкларида кредит операцияларини ҳисобини юритиш ва аудитини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк аудитини республикамиз банк тизимидаги ўрни, аҳамияти, банк аудитининг ҳозирги кундаги зарурияти ва республикамизда унинг ҳуқуқий асосларини яратилишини ўрганган ҳолда, тижорат банкларини аудит қилиш усуллари, назорат турлари ва Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудит ўтказишни ташкил қилиш ва ўтказишнинг назарий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

2. Ҳозирги кунда тижорат банклари бошқаруви қарорлари турли хилдаги ташқи ва ички молиявий маълумотларга асосланганлиги сабабли улардан фойдаланишда инфратузилмавий хизмат кўрсатувчи ички ва ташқи аудит хизмати хулосаларига таяниш зарурлиги асослаб берилди.

3. Тижорат банкларида кредит операциялари аудитини такомиллаштириш юзасидан назарий хулосалар қилинди ва шу асосда илмий таклифлар ишлаб чиқилди. Шу жумладан:

Биринчидан, тижорат банклари активлари аудитида аудиторлар томонидан илк эътибор касса ва унга тенглаштирилган маблағларга

каратилади. Бунда аввало аудиторлар аналитик ҳисоб маълумотларини йиғиш ва шу орқали касса активлари таҳлилини ўтказса мақсадга мувофиқ;

Иккинчидан, тижорат банклари активлари аудитида аудиторлар тижорат банки учун энг даромадли актив кредит ва лизинг операциялари бўлиб, бунинг аудитини ўтказиш ўта мураккаб ва синчковликни талаб қилади. Бунда асосан урғу кредит фоизларидан келадиган даромадлари бўйича таклиф қилинаётган муддати ўтган кредитлар бўйича фоизларнинг ҳисобланиши, суд жараёнига ўтказилиши амалиётлари ҳамда балансдан ташқари ҳисобварақларда уларнинг акс эттирилиши тўғрисидаги ҳужжатларни расмийлаштирилишини обдон текшириш;

Учинчидан, кредитларни қайтариш графиги ҳамда унинг муддатли мажбуриятнома билан мослигини текшириш;

Тўртинчидан, кредитларга фоиз ўстирмаслик мақоми берилиши билан боғлиқ амалиётларни тўғри расмийлаштирилишини текшириш;

Бешинчидан, кредитлар бўйича ташкил қилиниши лозим бўлган резервлар ҳисобини тижорат банк харажатига тўғри олиб борилса, тижорат банки акционерлари манфаатлари учун фойдалироқ бўлади.

4. Банк томонидан берилган кредитларнинг асосий қисми 2011-2012 йилларда ҳам саноатга тегишли бўлиб, бу кўрсаткич 2011 йилда 52%га етган. Бу эса банк кредит портфелининг диверсификацияси паст даражада эканлигидан далолат беради. Фикримизча, кредит портфели диверсификациясини ошириш лозим, чунки бир тармоққа кредитнинг берилиши агар ушбу тармоқ корхоналари банкрот бўлса кредит риски ортади, кредитнинг қайтмаслик эҳтимоли 100%га яқинроқ бўлади.

5. Халқаро банк амалиётида кредит рискларини баҳолашнинг Simulation Scenario, Monte Carlo, Delfi, Stress testing, Historical Simulation усуллари, шу билан бирга балли баҳолаш усулларини ўрганиб, Ўзбекистонга мос келувчи бу усулларни Ўзбекистон банк амалиётида қўлланилишини таклиф қиламиз. Бу рискларни баҳолашда хилма-хиллик бўлиши ва бунинг

натижасида бирининг камчилиги иккинчи усул ёрдамида тўлдирилишига ёрдам беради.

6. КАМИ ни ривожлантириш лозим, шу билан бирга хусусий кредит ахбороти бюроларини ташкил этишни таъминлаш лозим, чунки фаолият юритаётган Кредит Ахборот Миллий Институти мижоз тарихи ҳақида тўлиқ ахборот бера олмайди, КАМИга банкларнинг ўзи ахборот беради, бу етарли эмас деб ҳисоблаймиз. Унда жисмоний шахсларнинг кредит тарихи ҳақидаги маълумотлари деярли йўқ. Мижоз тарихи ҳақида қанчалик кўп ахборот берилиши кредит рискинни камайтиришга ёрдам беради. Бу мақсадга эришиш учун хусусий кредит бюроларини кўпроқ ташкил этилиши, уларда рақобат муҳитининг ташкил этилишини таъминлаш лозим.

7. Кредит мажбуриятларини суғурталашни такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистонда банк ва суғурта ташкилотлари амалиётида таъминотни, мулкни суғурталаш амалга оширилмоқда, лекин кредит рискларни суғурта қилиш ҳали йўлга қўйилган йўқ. Кредит рискларни суғурта қилишни йўлга қўйилишини таъминлаш лозим.

8. Кредитнинг таъминланганлигига эътибор бериш, кредитнинг таъминланганлиги учун юқори ликвидлиikka эга бўлган воситаларни қабул қилиш ва уларнинг қийматини тўғри баҳолаш лозим. Банк бўлимида гаровга олинadиган мулкларни тўғри баҳолай оладиган, уларнинг бозордаги нархларини ўзгаришини, ўзгариш тенденцияларини баҳолай оладиган алоҳида ходим бўлишини таъминлаш зарур. Бундай ходимларни тайёрлаш учун Республика марказидаги "Баҳоловчилар ассоциацияси" билан биргаликда мол-мулк, олтин буюмлар ва бошқа мулкни баҳолаш бўйича ўқиш ташкил қилиш лозим.

9. Кредит рискинни бошқаришда чет эл банклари тажрибасини ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Англия клиринг банклари томонидан кредит рискинни бошқаришда қўллайдиган PARSEK ва CAMPARI методларини Ўзбекистон банк амалиётида қўлланилишини таклиф қиламиз. Чунки, бунда бошқа бизда эътибор берадиган кўрсаткичлар билан бир

қаторда банк кредит тақдим этганда юзага келадиган риск учун мукофот (фоиз ставкаси) кабилар баҳоланади, қарз олувчининг обрўйи, кредит risksдан суғурталаш йўли кабилар ҳам инобатган олинади.

10. Кредит портфели сифатини яхшилаш учун кафил молиявий ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш лозим. Кафиллик берган юридик ва жисмоний шахснинг молиявий ҳолати ҳар доим ҳам юқори даражада бўлавермайди. Кафил молиявий ҳолатининг кредитлаш даври ичида ёмон бўлиши кредит riskини оширади. Бу айниқса молиявий инқироз даврида алоҳида аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда юқорида келтирилган илмий амалий таклифлардан республикаимиз тижорат банклари кредит операциялари ҳисобини ва аудитини янада такомиллаштиришда фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 1997 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида”ги қонуни. Тошкент – 1995 16 апрел
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги қонуни. Тошкент – 1996 25 апрел
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таров” тўғрисидаги қонуни. 1999.
5. «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги 2564-сонли Фармони
6. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т - "Ўзбекистон" - 2000
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Банкларнинг кредит ва депозитлари бўйича фоизлар ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги Низоми, 1998 й. 2 декабр.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларининг кредитлар бўйича фоизларни ўстирмаслик сиёсати тўғрисида»ги Низом, 1998 йил 2 декабр.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми, 2000 йил. 2 март
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий заҳираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми, 2000 йи 20 апрель.
11. Банкларда бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси. Тошкент - 1997 й.
12. Каримов И.А. 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

13. Каримов И.А. нинг 2011-2015 йиларда "Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларга эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида" ги Қарори ПҚ-1438 сонли, 2010 йил 26 ноябр.
18. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. Тошкент-«Ўзбекистон»-2010 йил.
19. Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз» Халқ сўзи 2000 йил феврал.
20. Абдуллаева Ш.З. «Банк иши», Т.: Молия 2003 й.
21. Абдуллаева Ш.З. «Банк рисклари ва кредитлаш» Т.: Молия 2002 й.
22. Абдуллаева Ш.З. "Пул, кредит ва банклар". Дарслик. Тошкент 2006 йил.
23. Бабич А.М. «Финансы, денежное обращение кредит» М.: 2000 г. Изд. ЮНИТИ-ДАНА.
24. Виноградова Т.Н. «Банковские операции» М.: 2001 1-Том.
25. Данилевский Ю.А. Финансовый контроль и аудит в современных условиях, журнал бухгалтерский учет, стр - 4 - 7.
26. Дробозиной Л.А.Финансы, денежное обращение, кредит. Под ред. Москва “Финансы” 1997 г.
27. “Деньги и кредит” №2 1998 г.
28. Жарковская Е.П. «Банковское дело» 2-Том, М.: 2004. Изд. Омега.
29. Жуков Е.Ф. «Деньги, кредит и банки» Издательство ЮНИТ
30. Козлова. Е.П.”Бухгалтерский учет в коммерческих банках”
31. К.Барлтроп, Д.МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. - Вашингтон. Д.С., ИЭР ВБ, 1993. – с.26
32. Лаврушина О.И. «Управление деятельностью коммерческого банка» М.:

2003 г. Издательства ЮРИСТ.

33. Лаврушина О.И. «Банковское дело» Финансы и статистика М.: 2007
Изд. ЮНИТ
34. Лаврушина О.И. «Банковское дело». Учебник, под ред. Москва.:
Финансы и статистика - 1992 г.
35. Лаврушина О.И. «Банковское дело». Учебник, под ред. Москва.:
Финансы и статистика - 1998 г.
36. Мокова О.М «Коммерческие банки и их операции».. Москва
издательство объединение «ЮНИТКО» 1996 г.
37. Муллажонов Ф.М. «Ўзбекистон Республикаси банк тизими» Изд.
Ўзбекистон.
38. Мери Элизабет Ворд «Управление рисками коммерческого банка».
Учебное пособие. Рабочие материалы института «Экономического
Развития Мирового банка».
39. Никольского Ю.Б. «Межбанковский кредит: дилинговые операции на
рынке «коротких денег» Издательство «Принтлайн» Москва-1995
40. Олышанский А.И. Банковское кредитование.
41. Панова Г.С. «Анализ финансового состояния коммерческого банка».
Москва: Финансы и статистика - 1996.
42. Панова Г.С. «Кредитная политика коммерческого банка». Москва – 1997
43. Питер С.Роуз. «Банковский менеджмент» Москва - 1995 г.
44. Рожджер Лерой Миллер, Девид Д. Ван Хуз «Современные деньги и
банковское дело» М.: 2000 г. Изд. ИНФРА.
45. Свиридов О.Ю. «Деньги, кредит и банки» Москва Изд. Феникс
46. Смирнов А.Л., Красавина Л.Н. «Международный кредит: формы и
условия.: Москва Издательство «КонсалБанкир» - 1995
47. «Сидельникова Л.Б. «Аудит коммерческого банка». Москва – 1996

48. Тавасиева А.М. «Банковское дело» М.: 2001. Изд. Юнити.
49. Триф А.А. «Инвестиционная и кредитная деятельность коммерческих банков». Москва, «Экономика» - 1997.
50. Чжен В.А. «Пул ва молия бозорлари». Тошкент – 1996
51. Черкасов В.Е. «Банковские операции» Финансовый анализ М.: 2001г. Изд. Консалт банкир.
52. Шарифхужаев М., Ўлмасов А. «Иқтисодиёт назарияси». Тошкент - Мехнат - 1995.
53. Шелпаев Ф.Н. «Финансы, деньги кредит» М.: 2000. Изд. ЮРИСТ.
54. Юрайт М. «Финансы, денежное обращение и кредит» М.: 2004 г.
60. Basel Committee on Banking Supervision. Consultative
61. Document The New Basel Capital Accord. January 2001. 61.Auerbach, Robert. D. "Money, banking and financial markets"
62. 2nd ed.-New York. Mac. Publ.Comp. 2000 y.
63. Blach Tyrone. "Money and banking..." 1999 y.
64. Jonson Ivan C, Roberts, William W. "Money and banking..."
65. Klein, John J. "Money and Economy"-2nd. Ed. New York, 1999 y. 296p.
66. Makinen, Gail E. "Money Banking and Economics Activity". New York, 2001 y.
67. Anna J. Schwartz "Do Currency Boards Have a Future?",
68. London, The Wincott Foundation 1992.
69. Exchange arrangements - 2000, Washington, Published for the World Bank.
70. International Financial Statistics, February 2002, IMF, Washington.
71. Michael Melvin "International Money and Finance", USA, 1997 by Addison-Wesley Educational Publishers Inc.
72. "Monetary Policy Frameworks in a Global Context", Edited by Lavan Mahadeva and Gabriel Sterne, 2000 Bank of England. 65.Peter Bond "The

Monetary and Financial System", London, COPYRIGHT - PETER BOND 1990.

73. “Банковский портфель -3” Москва Соминтек - 1995 г.
74. “Банк ахборотномаси” газетаси 2012 йил сонлари
75. Каримов Н. «Бозор, пул ва кредит» 2006 й. 1-сон. «Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти».
76. Тўхтабоев У. «Бозор, пул ва кредит» 2006 й. 4-сон. «Муаммоли кредитларни реструктуризациялаш масалалари»
77. Қодиров А. «Бозор, пул ва кредит» 2004 й. 6-сон. «Кредит бериш механизмини такомиллаштириш».
78. Тўхтабоев У. «Бозор, пул ва кредит» 2005 й. 7-сон. «Муаммоли кредитларни олдини олиш».
79. Тўлаганова М. «Бозор, пул ва кредит» 2005 й. 3-сон. «Тижорат банкларини фаолиятининг таҳлили».

Интернет веб-саҳифалари

www.Referat.ru

www.rambler.ru

www.cbu.uz

www.google.uz

www.bankreferatov.ru

www.student.ru